

388

Ўттиз учинчи йил чиқиши
Жумодул-аввал 1440ҳ – январ 2019м



Ал-Ваън

Кенг кўламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваън сўзи

Сиёсий

Ислом

Исломий сиёсий ҳаракатларни илмонийлаштириш
ва уларни тугатиш сиёсий Исломга
барҳам бериш режаларидан биридир

Савдо урушлари ва уларнинг сиёсий жиҳатлари

Ислом: яхши сўз... асил дарахтга ўхшайди...

«Сиёсий Исломдан кейин»: Аллоҳнинг изни ила
Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик бўлади



388

Ўттиз учинчи
йил чиқиши
Жумодул-аввал 1440ҳ
Январ 2019м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Британия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Ушбу сонга

- **Ал-Ваъӣ сўзи:** Исломий сиёсий ҳаракатларни илмонийлаштириш ва уларни тугатиш сиёсий Исломга барҳам бериш режаларидан биридир 3
- Савдо урушлари ва уларнинг сиёсий жиҳатлари 12
- Америка ва олам 20
- Давлатнинг кучли ёки заиф бўлишининг географик омиллари
Бошланғич қисқа тадқиқот (3) 26
- Хитоб қилиш: унинг ютуқ ва муваффакиятсизликлари 33
- Очиқ китобдаги аниқ ҳақиқат 43
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** 48
- **Қуръони Карим сұхбатида** 54
- **Жаннат боғлари:** мазлумнинг дуосидан сақланинглар 63
- Уларнинг ҳидоятларига эргашинг: Абу Айюб Анзорий 66
- **Сўнгги сўз:** «Сиёсий Исломдан кейин»: Аллоҳнинг изни ила Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик бўлади 71
- Middle East Еуе журнали: араб баҳори саккиз йилдан кейин ҳам ҳамон тириқдир 72

ИСЛОМИЙ СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ИЛМОНИЙЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ СИЁСИЙ ИСЛОМГА БАРҲАМ БЕРИШ РЕЖАЛАРИДАН БИРИДИР

Фарб ва бутун олам давлатлари Исломнинг сиёсий вужудини пайдо қилиш уринишлари кучайиб бораётганини ўнлаб йиллардан бери диққат билан кузатиб келади. Бу уринишларнинг турли мусулмон халқлар томонидан қўллаб-қувватланиши Фарбни хавотирга солиб қўйди. Шунинг учун улар ушбу уринишларга чек қўйиш ҳамда мусулмонларнинг исломий сиёсий фиқҳ ва фикрини йўқ қилиш учун макр ва хийла қила бошлишди. Зеро, ушбу исломий сиёсий фиқҳ ва фикр сиёсий Ислом номи билан ёйилган эди. Фарб ҳамда унинг малайлари ва Исломий давлатнинг тикланишидан қўрқаётганлар эса, уларни масхаралаб, исломчилар деб аташмоқда. Улар бу сўзлари билан Исломда сиёсий низом, ҳаёт низоми ва алоқалар борасидаги низом мавжуд эмас, деб уқтиришмоқчи. Улар тўхтовсиз хийла қилиш ва режа тузишда давом этмоқдаларки, бу нарса бутун исломий оламга ёйилди ва оммалашди. Улар тузган бу режаларнинг барчаси сиёсий Ислом ва ҳаракатларни йўқ қилишга қаратилган. Бу режаларни фош қилиш, уларга қарши курашиш ва тўғри йўлда онгли равишда юриш учун уларни доим кузатиш ва улардан огоҳ бўлиш лозим. Чунки исломий сиёсий фаолият ўз гоясига етиш йўлидаги охирги босқичида турибди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلٌ أَدْعُوا إِلَى اللَّهِ عَلَى بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَسُبْحَنَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنْ ﴾

﴿الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиласман. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатганишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман» [Юсуф 108]

Фарб исломий оламни, одамларнинг тушунчалари ва алоқаларини ўзи истаган томонга ўзгартиришга, яъни

демократияни пайдо қилишга эриша олмади. Бошқача айтганда, исломий сиёсий фикрни мағлубиятга учрата олмади.

Гарб Халифалик давлати қулатилгандан бугунги кунга қадар турли восита ва услубларни ишга солиб, шу ишга ҳаракат қилди. Лекин Аллоҳнинг фазли туфайли бунга эриша олмади. Совет Иттифоқи қулагач, майдонда Ислом ва капитализм қолди. Капитализм мутлақ ғолиб бўлдим, олам узра ҳукмронликни қўлга киритдим ва Ислом ўз имкониятини қайта тиклай олмайди, деб ўйлаган эди. Шунинг учун у янги халқаро низомни ўрнатиш, Исломни ҳаётдан четлатиш, бошқача айтганда, динни ҳаётдан четлатиш фикри ва демократияни татбиқ қилишга киришди.

Айни пайтда, Ислом даъватчилари ва уни ҳаётда татбиқ қилишга уринаётганлар исломий ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мусулмон юртлар, балки бутун оламдаги вазият икки йўналиш ўртасидаги халқаро курашга айланди. Икки тарафнинг ҳар бири ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда, кураш майдони эса, исломий оламдир. Бир тараф исломий ўзгартиришни хоҳласа, иккинчи тараф демократик ўзгартиришни хоҳламоқда. Икки тараф ҳам бугунгacha муваффакиятга эришгани йўқ. Ҳизб ут-Таҳrir курашда пешқадам, у исломий ўзгартиришга ҳаракат қиляпти. Америка ва Гарб давлатлари демократик ўзгартириш режасини тузган бўлиб, шунга ҳаракат қилмоқдалар. Биз ҳозир жанг майдонидамиз, биз ва бошқа холис кишилар, ҳаракатлар бўладими ёки бошқаларми фарқсиз барча жангдадир. Айтиш мумкинки, Уммат исломий ўзгартириш умидида яшамоқда ва умиди рӯёбга чиқишини кутмоқда. Шу ўринда тўхталиб ўтиш керак бўлган нарса шуки, бу ишга ақллар сафарбар этилиши, ўзгартириш йўлида раҳбарлик қилувчилардан стратегия ва режалар тақдим этиш талаб қилиниши лозим.

Сиёсий Ислом билан илмонийлик ўртасидаги кураш давом этмоқда. Унда сиёсий Исломга ҳаракат қилаётганларнинг имконияти кам. Лекин илмонийликка ҳаракат қилаётган йирик давлатларнинг имконияти катта ва кўпдир. Гарбнинг моддий имконияти катта бўлса-да, у сиёсий Исломга барҳам беришда ҳамда Гарб яшаш тарзини давлат ва ҳаётга ўрнатишда муваффакиятсизликка учради. Чунки мусулмонлар уни қабул қилмаяптилар, балки унга қарши курашяптилар ҳамда ундан ва

унинг ҳукмронлигидан халос бўлишни истамоқдалар. Чунки ҳукмронликни мажбур ўрнатиш ғалаба ва жанг ниҳоясига етганини билдиримайди. Совет Иттифоқи қулагач, Катта Буш Американинг янги ҳалқаро низомини мажбур ўрната олмади. Кичик Буш эса, Американинг оламни танҳо бошқариш лойихасини амалга оширишда муваффақиятсизликка учради. Сўнгра Обама муваффақиятсизликка учради. Бу муваффақиятсизликларнинг барчасининг ортида сиёсий Исломга ҳаракат қилаётганлар турди.

Обама ва унинг маъмурияти мусулмонларга сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик жиҳатидан нафас олишлари учун туйнук очишни хоҳлади... Улар мусулмонлардаги Farb ва Америкага қарши душманлик сабабини Америка томонидан ҳалқни қашшоқлаштираётган репрессив диктатор режимларнинг қўллаб-қувватланишига боғлашди... Обама ва унинг маъмурияти – агар ҳалқ имкониятдан фойдаланса, сиёсий ишлар ва тоза сайловларда иштирок этса, ундан хавфсизлик кучларининг зулми олиб ташланиб, иқтисодий имкониятлар берилса, шунда у исломий ўзгартиришга ҳаракат қилмайди ва Америка ва Farbдан нафратланмайди, деб ўйлади. Шунинг учун Америка ҳоким ва давлатларга босим ўтказа бошлади. Америка бу ишни ҳуқуқий ва фуқаролик ташкилотлари, партиялар ва жамоатлар орқали амалга ошириди.

Натижада, минтақадаги ҳокимлар Америкадан безовта бўладиган ва ташвишланадиган бўлиб қолди... Америка эса, араб юртларидаги фуқаролик жамиятларини қўзғади. Сўнг эътиrozлар бошланди ва Америка кутгандан ҳам қаттиқроқ нарса, яъни қўзғолонлар бошланди. Америка бу ишлардан хурсанд бўлди, чунки Америка уларни демократик ўзгартириш деб тушунди. Шунинг учун Америка ушбу қўзғолонлардан огоҳлантиреди. Хиллари Клинтон ўз даврида қўзғолонлар бўрони минтақани эгаллайди ва ким ўзини бу нарсадан хавфсизман деб ўйласа, адашибди деб баёнот берган эди. Табиийки, бу сўз мусулмонлар ҳокимларига қаратилган эди.

Америка сиёсий Исломдан қўрқади, шунинг учун ўз меъёрларига қўра, гарчи мўттадил бўлса-да, исломий сиёсий ҳаракатларга ишонмайди. Америка бу ҳаракатларнинг ҳокимиятга келиши оқибатидан хотиржам эмас, чунки уларнинг ортидан холис исломий ҳаракатлар келиши мумкин. Америка

Ихвон ва Наҳза партияларининг хукмронлик пайтида мусулмонларнинг кучига куч қўшадиган ва уларни етакладиган ҳаракатлар борлигини, улар Ихвончиларга ўхшамаслигини ҳамда демократияга, ўртacha ечимга ва умумий эркинликларга ишонмаслигини кўрди... Уларнинг энг олдинги сафида Ҳизб ут-Тахрир тургани ва у Миср, Тунис, Сурия, Покистон ва Индонезияда баланд овоз билан чиққанини кўрди... Америка мўътадил Ислом билан экстремист Ислом ўртасида фарқ йўқ ва барчасининг мақсади экстремизм ва терроризмдан иборат, деб топди. Баъзилар – Ал-Қоида ва Ихвон битта кўлмакда, деб айтишди. Ихвоннинг айрим етакчилари шундай баёнотлар беришди, ундан душманлари фойдаланиб қолди. Душманлар уларнинг баёнотлари ортидан исломчиларнинг барчаси бир, уларнинг демократия, ўртacha ечим ва умумий эркинликлар ҳақидаги даъволари ҳокимиятга чиқиш ва фурсатдан фойдаланиш учун айтилган сўзлар, холос дейиши...

Шунингдек, исломчилар имкон топсалар, на демократия қолади на унга қайғурадиган кишилар, дейиши... Американинг шундай фикрлаши уни гарчи шаклан бўлса-да ҳокимиятда турган Исломга бутунлай чек қўйиш ва унга ҳокимиятга келиши учун йўл қўймаслик ҳақида қарор чиқаришига олиб келди. Бу Обаманинг иккинчи президентлик даврида бўлди. Америка қўзғолонлар воқеи, ундаги Исломнинг таъсири ва хатарига эътибор беришга мажбур бўлди. Натижада, жирканч ва репрессив тарзда кичик Буш сиёсатига қайtdи ва 2009 йилда Обама қабул қилган сиёсатидан бош тортди. Трамп ва унинг Ислом ва мусулмонларга нисбатан аҳмоқона сиёсати ҳам шу тарзда бошланди. Биз ҳокимларга яқинлашаётган ва чекинаётган исломий ҳаракатларни (Ихвон уларнинг ичида олдинга сафда бормоқда) тўла шаклда таъқиб қилинаётганини кўриб турибмиз. Бу нарса Миср, Амирликлар ва Саудия давлатларида уларга қарши олиб борилган ишларда яққол кўзга ташланди.

Улар мусулмоннинг экстремистиу мўътадилига ишонч йўқ, деб топиши. Шунингдек, сиёсий Исломни бутунлай майдондан сиқиб чиқариш лозим, деб топиши. Сиёсий ишларда Исломга умуман жой йўқ дейиши. Ғарб бугун шу нарсани мажбур киритмоқчики, сиёсий ролга эга бўлишни хоҳлаётган исломий ҳаракатлар ўз амалларида Исломдан бутунлай воз кечганини

Эълон қилишлари лозим. Улар хоҳ ҳокимиятга чиқишига ҳаракат қилаётган бўлсин, хоҳ парламентда ўрин эгалламоқчи бўлсин, хоҳ сиёсий фаолият қилмоқчи бўлсин бунинг фарки йўқ. Агар шундай қилмаса, уларни илдизи билан қўпориб ташланади. Воситалар эса, бисёрдир: Қонун йўли билан, хавфсизлик идоралари орқали ва тухмат қилиш билан. Улар билан бўладиган муносабат шафқатсизdir. Мисрда Робиа ва Наҳза майдонларида бўлган ишлар бунга яққол далилдир. Агар уларда исломий сифат сақланиб қолса ҳам, улар сиёсатга аралашмайди ва илмонийликни қабул қиласди.

Шундан диний фаолият билан сиёсий фаолият ўртасини ажратиш фикри пайдо бўлди. Қўзғолонлардан кейин мана шу фикр куч билан татбиқ этила бошлади. Бу ишда хоин ва сотқинлар ишга солинди.

Тунисда Рошид Фаннуший етакчилигидаги Наҳза партияси 2016 йил май ойида ўтказилган ўнинчи конференцияда диний фаолият билан сиёсий фаолият ўртасини ажратаетганини айтди. Адолат ва тараққиёт партиясини тарк этган доктор Аҳмад Райсуний раҳбарлик қилаётган Марокашдаги Тавҳид ва Ислоҳ ҳаракати 2018 йили август ойида бўлиб ўтган олтинчи конференциясида бутунлай сиёсий фаолиятдан бош тортганини эълон қилди. (Ҳозирги пайтда Ислоҳ ва тавҳид ҳаракатида Адолат ва Тараққиёт партиясининг бирор аъзоси мавжуд эмас).

Ушбу ҳаракатлар ўзларини заковатли ва доно, деб ҳисоблашмоқда. Чунки улар мана шу билан Ихвон бошдан кечирган илдизи билан қўпориб ташлаш амалиётидан омон қолдик, деб ўйлашмоқда. Шунинг учун кўпчилик Фаннушийнинг чекинишини донолик, деб ҳисоблашмоқда. Фаннуший бошқа исломий ҳаракатларга машҳур намуна сифатида эътибор қозонди. Бошқа ҳаракатларга Исломдан воз кечиши ва сиёсий фаолиятда илмоний бўлиши учун Фаннушийнинг йўли таклиф қилинмоқда.

Лекин бу шафқатсиз ҳужум бўлиб, ўз мақсадини сиёсий Исломни илдизи билан қўпориб ташлаш ва уни сиёсий фаолият майдонидан чиқариб юбориш орқали рўёбга чиқаришни хоҳлайди. Агар иш жисмоний йўқ қилишни тақозо этса, уни сиёсий жиҳатдан бутунлай йўқ қилинади. Бу ишнинг кўрқитиши орқали амалга оширилишига Мисрни, илмонийлаштириш

орқали амалга оширилишига эса, Тунисни мисол қилиш мумкин.

Ушбу ҳаракатлар ёки бутунлай барҳам топиши ёки чекиниш хисобига омон қолиши лозим. Табиийки, улар манфаат, зарурат ва мувозанат каби маълум ва машхур баҳоналар остида чекинишни танлайдилар... Мана шу билан ушбу ҳаракатларнинг баҳоси ёки ўрни билинади. Режимлар ва уларнинг идоралари бу ҳаракатларга нисбатан таёқ ва шириналлик сиёсатини қўлламоқда. Улар ёки чекиниб, муайян ҳамкорликка эга бўлишлари керак ёки чекинмасдан қамоқ, репрессия ва йўқ қилинишга дучор бўлиши керак.

Биз Американинг мўътадил ва васатий (ўрта) ҳаракатларга нисбатан ўз сиёсатини инқилобий ва душманларча ўзгартиргани ҳақида баён қилдик. Америка бу сиёсатини мажбур ўрнатиш учун сиёсий ва хавфсизлик идоралари, фикр ва тадқиқот марказлари ҳамда сиёсий доиралар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу мақсадда конференциялар ўтказмоқда. Ушбу ишни кузатар эканмиз, сиёсий Ислом ҳаракатлари, хусусан Ихвонул Муслимин ҳаракатига нисбатан икки йўналиш мавжудлигини кўрамиз. Биринчisi Миср, Саудия ва Амирликлар каби давлатлар уларни бутунлай йўқ қилиш ва қутилиш йўлини танлади. Иккинчisi эса, Иордания, Марокаш ва Тунис каби давлатлар таёқ ва шириналлик сиёсати орқали улардан сиёсий Исломдан воз кечишни талаб қилди.

Сиёсий Исломга қарши ушбу воқе ва конференцияларга нисбатан Ихвондан қандай реакция кутиш мумкин. Ихвон ёки илмонийликни қабул қиласи ёки бош тортади ёки парчаланади ёки бўлинади ёки бутунича фаолиятни тарқ этади. Айрим кузатувчилар кутганидек барчаси бўлиши мумкин. Лекин уларнинг позицияси ҳақидаги баёнотларига кўра, Исломдан бош тортиб бўлса-да майдонда қоладилар. Бунинг учун баҳоналари тайёр ва шу йўналиш бўйича юришларига ишоралар бор.

Германиянинг Фридрих Эберт ташкилоти 2017 йил 23 май Аммондаги «Crowne Plaza» меҳмонхонасида «Ташвишли минтақадаги сиёсий Исломнинг келажаги» номли минтақавий конференция ўтказди. Унда Иорданиядаги Ихвон ҳаракатининг сиёсий қаноти бўлмиш исломий фаолият фронти бош котиби Закий ибн Аршид иштирок этди. Бош котиб конференцияда «Ихвонул Муслимин жамоати... Позиция танлаш ва келажакни

кўра олиш» номли нутқ сўзлади. У ўз нутқида шундай деди: «... Биз гувоҳи бўлиб турган ҳозирги лаҳзаларда айрим кишилар Ихвонул Муслимин сиёсий майдон ва ижтимоий воқега бўлган таъсирини йўқотиш арафасида деса, айримлар жамоат қисқариш ва чекинишда демоқда. Яна бошқалар эса, сиёсий Исломга барҳам берилгач нима бўлади, деб баҳс қилишмоқда. Бу каби фол очишларнинг воқеси борми? Уларни окласа бўладими?». Сўнгра чекинишга тайёрлиги ҳақида шундай деди: «Жамоатдан чиққанлар муваффақиятга эришмайдилар», ўз сўзида давом этиб: «Ихвон жамоатининг келажаги ва тақдири унинг босқичдан ўта олиши ва фурсатдан фойдаланишига боғлиқдир... Келажакда ожиз ва ялқовлар учун жой йўқ. Эрнест Хемингуэй ўзининг «Чол ва денгиз» номли асарида айтганидек, аҳмоқ ва ўликларгина ўз фикрларини ҳеч қаҷон ўзгартирмайдилар». Сўнг яна шундай деди: «Иорданиядаги Исломий фаолият фронти партияси структурани қайта тиклаш номи остида ўз тушунчаларини қайта кўриб чиқа бошлади. Агар партия ушбу амалиётда муваффақият қозонса, бу партиянинг иккинчи таъсис этиш босқичи бўлади. Чунки бу ўзгаришлардан намуна олган замонавий ташаббусдир. Айниқса, ўзгартиришлар фикр, асос, тушунча ва мақсадларни ўз ичига олар экан, шундай бўлади». Ушбу баёнотлар жамоат ҳар бир нарсада чекинишга тайёр эканини кўрсатмоқда.

Шунингдек, бу нарса жамоатнинг илмонийликни қабул килишга тайёрлигини аниқ кўрсатиб турибди. Режимлар қайта кўриб чиқиш ва фикрларни ўзгартиришга қизиқтириш, ҳаракат ичиди бўлиниш ва исёнга гижгижлаш ҳамда ўзларидан рақибларни чиқариш услуби қўл келишини билишади. Шунинг учун улар ҳаракатни даражама-даражада ўзгартиришдан кўра, бутунлай ўзгартириш олиб бориш учун шу услубдан фойдаланяптилар.

Ғарб ва унинг малайлари сиёсий Ислом ҳаракатларини илмонийлаштириш учун ҳамда уларни ўз фаолияти ва сиёсий амалларида Исломдан воз кечишлари учун режа тузмоқдалар. Иорданиядаги Ихвондан бўлиниб чиққан Замзам партияси сиёсий фаолият ва диний фаолиятнинг ҳар иккиси тўғри ёки хато бўлиши мумкин бўлган инсоний фаолият бўлиб, уларни бир-бирига қўшиш хато, деб ҳисоблаб, «Сиёсий фаолият билан диний фаолият ўртасини ажратиш» лозимлигини билдирид.

Шунингдек, бу партия «Фуқаролик давлати тушунчасини шиор ва машғулот сифатида қабул қилганини» маълум қилди. Аммо Ихвондан бўлиниб чиқсан Шериклик ва қутқарув партияси Исломдан воз кечишда аввалгисидан ўтиб кетди ва бу билан фахрланди. Ушбу партия вакили конференцияларнинг бирида сўзлаган нутқида шундай деди: «Ихвоннинг таъсиридан чиқсан ва чиқаётган ҳаракатларнинг келажаги бор. Чунки улар фикр, раъй ва амал борасида уларни қийнаётган босимлардан озод бўлади... Бу партиялар, яъни Замзам ҳамда Шериклик ва Қутқарув партияси ўзларини мутлақо исломий бўлмаган миллий партия, деб номлашган». Партия яна шундай деди: «Яқин кунларда араблар шахсияси ва нафсияси қайта кўриб чиқилади ҳамда уни ҳодиса ва вазиятларга қараб маҳаллий ва миллий хитоб асосида ташкил этилади. Шунингдек, маҳаллий қадр-қиммат, миллий эътибор ва коррупцияга қарши кураш барчанинг машғулотига айланади. Бундан юксак шиор бўлмайди. Миллий хитоб шубҳасиз барчани етаклайди. Олдин бўлганидек исломий диний хитоб халқни ҳаракатга келтирадиган муҳим хитоб бўлмайди...».

Сўнг яна шундай давом эттириди: «Келажак бугунги сиёсий воқе қайтиб келмаслигини айтмоқда. Яқинда миллий ҳаракатлар юксалиши ҳамда сайлов ва қўлланмаларда Ислом шиорини кўтармаслигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ҳамма одамлар араб юртлари ва Иорданиядаги сиёсий исломий оқимлар миллий оқимларга ўз ўрнини бўшатиб беришига гувоҳ бўлади...». Бу сўзларни изоҳлашга ҳожат йўқ.

Хотима сифатида шуни айтамизки, Аҳмад Райсуний раҳбарлик қилаётган Тавҳид ва Ислоҳ ҳаракати 2018 йил август ойида диний фаолият билан сиёсий фаолият ўртасини ажратиши ҳақида эълон қилган эди. Райсуний ушбу санадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни 2018 йил октябр ойи бошида бутунжаҳон мусулмон уламолари иттифоқига раис этиб сайданди. Райсуний бу борада Фаннушийга ўхшайди. Чунки иш сиёсий Ислом тушунчасига зарба бериш режасига мувофиқ кетмоқда... Бу йўналишнинг баҳоналари мавжуд, уларни айтиб ўтганмиз. Ўша баҳоналардан бири шариат мақсадлари бўлиб, бу борада Райсунийни чуқур фикр ва юксак иқтидор сифатида мақташади. Бу асло тўғри эмас, лекин у кўрлар ичида сўзлаётган шапкўрдек мақтамоқда. Ал-Ваъй журналининг ўтган сонларида бу масала

далил ва ҳужжатлар асосида шарҳлаб ўтилган. Мавзу сўнггида яна эслатиб ўтиш жоиз бўлган нарса шуки, бу режа ва конференциялар сиёсий Исломни Ихвон каби чекланган ҳаракатларга ҳамда мўътадиллик ва ўртача ечим борасида у билан ҳамкорлик қилаётган ҳаракатларга боғлашга ҳаракат қилади. Лекин чекинмайдиган ва ўзгармайдиган партияларни кўрмасликка олади. Уларнинг энг илгори Ҳизб ут-Тахрир бўлиб, у сиёсий Исломнинг ҳам отаси, ҳам онасидир.

Мана шунинг ўзи адаштириш ва ҳақиқатларни яширишга асосланган фитнадир. Чунки сиёсий Ислом шундай нарсаки, шариатга тескари ва унинг ташқарисида бўлган рухсатнома ва лицензиялар орқали ҳамда куфр режимларини рози қилиш орқали исломий сиёсий фаолиятга йўл топаётганлар уни тамсил эта олмайдилар.

Мавзуни ушбу сўзлар билан якунлайман: Ўзgartириш ва бузиш усулини кўллаб, ортидан шу каби баҳоналар билан ўзини оқлаш умидсиз кишиларнинг йўлидир. Шунинг учун улар кофир ва золимларни дўст тутадилар ҳамда тиллари, позициялари ва амаллари билан шариатга қарши курашадилар. Улар ниятлари яхшилиги, қалби тозалиги ва ислоҳ қилишини хоҳлаётганини даъво қиладилар. Лекин улар жиддий эмас ва йўллари нотўғридир. Улар Аллоҳни эмас, золимларни дўст тутишган.

﴿إِنَّ وَلَئِيَ اللَّهُ الَّذِي نَزَّلَ الْكِتَابَ وَهُوَ يَتَوَلَّ الْأَصْنَانِ حِينَ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ﴾

﴿لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَكُمْ وَلَا أَنفُسُهُمْ يَنْصُرُونَ﴾

«Зотан, менинг эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солих бандаларга ёр бўлур. Ундан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар сизларга ёрдам қилишига қодир эмаслар ва улар ўзларига ҳам ёрдам қила олмаслар» [Аъроф 196-197]

﴿أَوْلَا يَرَوْنَ أَنَّهُمْ يُفْتَنُونَ فِي كُلِّ عَامٍ مَّرَّةً أَوْ مَرَّيْتَنِ ثُمَّ لَا يَتُوبُونَ وَلَا هُمْ يَدْكُرُونَ﴾

﴿يَدْكُرُونَ﴾

«Кўрмайдилармики, улар ҳар йили бир-икки марта балога-фитналарга йўлиқмоқдалар. Шундан кейин ҳам на тавба қиладилар ва на панд-насиҳат оладилар» [Тавба 126] □

САВДО УРУШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Доктор Иброҳим Тамимий
Ҳизб ут-Тахрир – Муборак Фаластин
замини матбуот бўлими аъзоси

Тарих тонги отганидан бошлаб то қиёматга қадар халқаро кураш икки сабабдан келиб чиқади. Яъни, давлатлар ё ҳукмронлик ва устунлик учун ёки моддий манфаатни қўлга киритиш учун ўзаро курашадилар. Мана шу икки сабаб халқаро курашни ҳаракатга келтирувчи мотор вазифасини ўтаб келади. Бироқ Ислом давлати қулатилганидан ва Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин, шунингдек, майдонда фақат манфаатни муқаддас санайдиган ҳамда иқтисодий ҳукмронликка интиладиган капиталистик система якка ҳоким бўлиб қолганидан сўнг биринчи сабаб майдондан четлашиб, иккинчи сабаб қолди. Бу иккинчи сабаб (яъни, моддий манфаат кетидан қувиш) буюк давлатлар ўртасида мустамлакачилик рақобати учун ҳаракатлантирувчи куч ва асосий туртки бўлиб келмоқда.

Аввалда катта давлатлар ўртасида дунё ресурслари ва манфаатлар устида кечган айни рақобат кейинчалик нопок сиёсатга айланди. Бу сиёсатнинг қатор қурол-воситалари мавжуд бўлиб, асосан қуидагилардан иборат: буюк давлатларга қарашли Жаҳон Савдо Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки каби муассасалар, сиёсий битим ва шартномалар, сиёсий келишувлар ва қитъалараро йирик компаниялар. Шунингдек, малай ҳукмдорлар ва уларнинг давлат армиялари ҳам мана шу қурол-воситалари сирасига киради.

Катта давлатлар ўртасидаги курашга келсак, Германия ва гигант Хитойнинг илм-фанда ва иқтисод фанида сезиларли даражада ўсиши ҳамда иқтисоди кескин ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши... буларнинг бари биринчи давлатни безовта қила бошлади. Биринчи давлат айни давлатларнинг иқтисодий ривожланиши сиёсий жиҳатдан ўсишга айланиб кетишидан хавотирланадиган, ўзининг биринчи давлатлик мақомига ва дунёдаги сиёсий нуфузига путур етказишидан хавфсирайдиган бўлиб қолди. Бундан ўн йил муқаддам иқтисодий кризиснинг биринчи давлатни ўз домига тортиши, иқтисодини издан чиқариши, кейин эса, бунинг

Америка иқтисодига қақшатқич даражада салбий таъсир кўрсатиши натижасида бу биринчи давлат янада ваҳимага туша бошлади. Мана шундан келиб чиқиб, айни иқтисодий кризиснинг салбий оқибатларидан қутулиш йўлида истаган ҳар қандай услуг ва йўлни қўллаб келмоқда. У ўз сиёсатчиларига дунё давлатлари билан савдо айирбошлиш ва муомалаларида ман этилган ҳар қандай услуг ва воситаларни қўллашларига кўк чироқ ёқиб берди. Иш шу даражага етдики, АҚШнинг бугунги президенти Дональд Трамп Жаҳон Савдо Ташкилоти қонунларини ва эркин савдо сиёсатини оёқ ости қиласидан бўлди. Ваҳоланки, ушбу сиёсат ўтган ўнлаб йиллар мобайнida дунё савдо муносабатлари учун асос бўлиб келганди. Шунингдек, йирик давлатлар ўзларининг савдо ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда мана шу Жаҳон Савдо Ташкилоти қонунлари ва эркин савдо сиёсатини асосий манба қилиб олишган эди, ҳеч бир давлат уларни бузишга журъат қилолмасди. Кузатувчи ва иқтисодчиларга кўра, АҚШнинг бу иши савдо урушлари аланга олишига гугурт чақмоқда. Хўш, савдо урушлари нима ўзи? Бу турдаги урушларнинг қандай реал сабаблари бор? Унинг сиёсий жиҳатлари қандай? Бу урушлар халқаро позицияга таъсири қилиши мумкинми?

Савдо урушлари:

Савдо урушлари, деган истилоҳ Қўшма Штатлар амалга оширган бир қанча чоралардан сўнг оммавий ахборот воситаларида тарқала бошлади ва сиёсатчию, иқтисодчилар тилидан тушмай қолди. Маълумки, Қўшма Штатлар бу чораларни Европа Иттифоқи, Хитой, Канада ва бошқа бир неча давлатларга қарши қўллади, бунинг ортидан реакциялар ва қарши чоралар келиб чиқди.

Бу чоралар қуйидаги ишларда намоён бўлди:

- Қўшма Штатларга айни давлатлардан импорт қилинадиган молларга бож тўловларини жорий қилиш. Масалан:

- Қўшма Штатларга импорт қилинадиган пўлатга 10 %, алюминийга 25 % бож тўловларини жорий қилиш. Бу – Европа Иттифоқи, Канада, Мексика, Жанубий Корея ва Хитойдан келадиган пўлат ва алюминийларни ҳам ўз ичига олади.

- Хитойдан келадиган молларга йилига 50 миллиард доллар миқдорида бож тўловини белгилаш.

- Жорий қилинган бож тўловларига қарши-жавобан бож солиғи жорий қилинса янада кўпроқ тўловлар белгилаш билан таҳдид қилиш. Масалан:

– Хитой АҚШга жавоб сиёсатини қўллаб, Америкадан импорт қилинадиган молларга 50 миллиард доллар қийматидаги бож тўловини белгилаган эди. АҚШ Хитойдан импорт қилинадиган молларга 200 миллиард доллар қийматида бож тўловини белгилади.

– Шунингдек, АҚШ импорт қилиб оладиган, яъни Европа Иттифоқидан келадиган автомобилларга бож тўловини белгилаш. Бу – қачонки Кўшма Штатлар Европа Иттифоқи давлатларидан импорт қиласидиган алюминий ва пўлатга бож тўлови белгилагани учун Европа Иттифоқи давлатлари ҳам бунга жавобан, АҚШдан импорт қиласидиган молларга бож тўловларини белгилаган тақдирда амалга ошади. Бу таҳдид Канада билан Европа Иттифоқи АҚШ чораларига нисбатан жавоб қайтаришни эълон қилишлари ортидан янгради. Канада, билан Европа Иттифоқи АҚШдан импорт қиласидиган молларга солиқ солиш ва айни чорани татбиқ қилиш мақсадларини маълум қилишган эди.

• Трамп Катта Еттилик (G7) давлатлари саммитида қабул қилинган якуний баёнотга имзо чекишдан бош тортди. Бу нарса айни давлатлар раҳбарлари Кўшма Штатларни ўзларига қарши қўллаган иқтисодий чоралардан тўхтатиш учун кескин норозилик билдириб, Трампни протекционизм ва бож солиғидан воз кечишига қўндиришга ҳаракат қилишлари ортидан рўй берди.

Ушбу чоралар (савдо урушлари) ортидаги сабаблар:

Кўшма Штатлар астрономик даражада (20 триллиондан зиёд) қарзга ботган... У 2008 йилда юз берган иқтисодий кризис оқибатларини ҳалигача енгиб ўтолгани йўқ... Собиқ маъмуриятнинг бу борада омади чопмади... Ҳозирги маъмурият айни оқибатларни ҳал қилиш учун нопок йўлларни тутди... Мана шундай бир пайтда, АҚШ ушбу сиёсатни қабул қилас экан, бундан қуйидаги мақсадларни амалга оширишни кўзлади:

– Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам АҚШ давлати бюджетига йирик миқдорда маблағ жалб қилиш. Бу йўллар янги савдо битимларини имзолаш ва Америка маҳсулотлари учун янги бозорлар очиш каби давлат учун муносиб дипломатик йўл бўладими ёки Саудияга нисбатан қўллангани каби, жиноятчи

гурухлар ва мафияга муносиб йўл бўладими ёхуд Хитой ва Европа Иттифоқига нисбатан қўллангани каби бож солиқлари солиш чоралари бўладими, фарқсиз. Шундан сўнг АҚШ бу маблағдан ўз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва кўплаб иш ўринларини яратишда фойдаланади.

— Америка баъзи давлатларнинг, хусусан, Германия ва Хитойнинг иқтисодидаги кескин ўсишга салбий таъсир ўтказмоқчи. Маълумки, АҚШ бозорлари бу икки давлат учун асосий истеъмол манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ушбу таъсир ўтказишдан мақсад, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ўсишларини тўхтатишидир. Бунинг муқобилида, ўзидаги маҳаллий компанияларни қўллаб-қувватлаб, давлат иқтисодини тиклаш учун — масалан, пўлат ва алюминий саноати соҳасида — ишлаб чиқаришни рағбатлантиряпти.

Қўшма Штатларни мана шундай чоралар қўллашга ундан нарса шуки, у Хитойнинг Америка билан бўлган савдо манфаатларига зарар етказмасликка қанчалик қаттиқ ҳаракат қилаётганини тушуняпти. Зоро, Хитой яқинда ўз иттифоқчиси бўлган Шимолий Кореяни Америка буйруқларига бўйсундириб берган эди. Шунингдек, Америка Хитойнинг айни чораларга жавоб қайташиб қодир эмаслигини ҳам билади. Чунки Хитойнинг АҚШга экспорти ҳажми, ундан оладиган импорти ҳажмидан жуда катта. Бу эса, Хитойни Америка провокацияларига рози бўлишга мажбур қиласди. Зотан, Хитой ҳисоб-китобларидан шу нарса маълумки, илгари бу давлат ўзининг халқаро сиёsat бобидаги онг ва тушунчалари саёз эканини, сиёсий иродаси заифлигини намоён қиласди. Америкаликлар наздида ким мол эвазига иттифоқчиларини қурбон қилса, демак, у қолган молларини сақлаб қолиш йўлида бир қисм молини ҳам қурбон қиласди. Шу билан бирга, Қўшма Штатлар Европа Иттифоқини иқтисодда дунёнинг энг биринчи давлати билан кураша олмаслигини ҳам билади.

Шу боис, Британия Европа Иттифоқидан чиққанидан сўнг ўзига янги иқтисодий шерик қидирмоқда. У ҳам Европа Иттифоқини, ҳам АҚШни заифлаштирадиган шаклда бир оёғини Европа Иттифоқига, бир оёғини АҚШга қўйиб, макрхийла ишлатмоқда.

Германияга келсак, гарчи у Қўшма Штатларга нисбатан сиёсий позициясини — айниқса ҳозирги маъмурияти пайтда —

ўзгартириб, қарши сиёсат олиб борса-да, бироқ у ҳамон АҚШ билан беллашишга қодир эмаслигича қолмоқда. Чунки бунинг учун унда на ҳарбий қудрат бор ва на сиёсий нуфуз. Қолаверса, Германиянинг Қўшма Штатлар билан бўлган манфаати ҳам оз эмас. Германия йилига 111 миллиард доллар экспорт қилади, бу эса, АҚШ экспортидан икки баробар кўп. АҚШ бозори Германияда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун энг муҳим бозорлардан бири, ишлаб чиқарган автомобилларининг 15 %ини АҚШга экспорт қилади. Бундан ташқари Германия Америка ичкарисида ҳам автомобил ишлаб чиқаради. Бинобарин, агар у айни дамда бу урушга кирадиган бўлса, албатта ундан зиён билан чиқади.

Франция эса, Британия билан Германиясиз бир ўзи Америкага бас келолмайди.

Ушбу урушларнинг сиёсий кўлами:

Бу урушларнинг сиёсий кўламига киришишдан олдин муҳим бир нарсани айтиб ўтишимиз керак. Гап шундаки, катта давлатларнинг ҳарбий қудрати ва сиёсий нуфузи биринчи давлатнига солиштирганда анча оз. Бунга иккита мисол келтирамиз:

Биринчи: АҚШнинг 2018 йил учун мудофаа бюджети 715 миллиардга етди ва бу барча катта давлатларнинг мудофаа бюджетига тенгдир.

Иккинчи: АҚШнинг сиёсий нуфузи барча катта давлатларнинг сиёсий нуфузидан устун ва бу устунлиги тобора ортиб бормоқда. Қўшма Штатлар бутун дунёдаги сиёсий масала ва муаммоларни деярли ўз қўлида ушлаб келмоқда.

Бугунги кунда дунёга АҚШ ҳукмонлик қилаётган, Европадаги эски-янги рақиблар эса чекинган, Хитой эса, факат регионал фикрлаш муаммосидан чиқолмаётган бир вақтда, барча йирик давлатлар биринчи давлат (АҚШ) сиёсатига таъсир ўтказишига уринишмоқда. Улар Ироқ, Афғонистон, Сурия, Саудия, Фаластин, Шимолий Корея ва бошқа ерларда бўлгани каби, кўплаб сиёсий масала ва муаммоларда ўз манфаатларини таъминлашга уринишяпти. Бу давлатлар биринчи давлатга дунёни бошқариш ва назорат қилишда давом этишига ёрдам беришяпти. Бунинг муқобилида эса, биринчи давлат орқали ўзларининг маълум иқтисодий мақсадларини амалга оширишяпти ҳамда у билан савдо айирбошлаш, унинг йирик бозори ва улкан истеъмолидан фойдаланиш орқали катта даромадни, миллиардлаб долларларни кўлга киритишяпти. Аммо биринчи давлат бунинг муқобилида, савдо баланси йирик давлатларнинг манфаати томон оғир

босишига сукут қилар ҳамда уларнинг Америка бозори ва истеъмолидан фойдаланишларига панжа орасидан қараб келар эди. Улар АҚШнинг сиёсий лойиҳаларига хизмат қилишаётгани учун ҳамда унинг дунёни бошқаришига ёрдам берганлари учун шундай қилар эди.

Лекин биринчи давлат катта давлатларга уларнинг эски нуфузлари қолган минтақаларда масалан, Форс Кўрфазида Британияга, Африкада Францияга, Шарқий Европада Россияга, Хитой денгизида Хитойга сиёсий зарбалар йўллади. Бу эса, ўз навбатида, АҚШ билан айни катта давлатлар ўртасидаги иқтисодий ютуқларни хавф остига қўйди. Яъни Американинг сиёсий зарбалари катта давлатларни унга ёрдам бериш сиёсатларини ўзгартиришга ва унинг қайноқ масалаларни қўлига олишига кўмаклашишни тўхтатишга унади. Биринчи давлатнинг савдо урушини эълон қилиши ва ўз иттифоқчилари ёрдамини кадрламай, ҳукмронликни исташи, уларни ўз ортидан эргашадиган давлатлар сифатида, қаноти остига олмасдан фақат савдо фойдасини ўйлаши шуни англатмоқдаки, у айни иши билан катта давлатлар олдидан эшикларни ёпиб олди, уларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига зарба берди. Бунинг оқибатида, улар биринчи давлатга нисбатан ўз сиёсатларини ўзгартиришга мажбур бўлмоқдалар. Зеро, савдо урушлари, деган нарсанинг сиёсий кўлами мана шу.

Савдо урушларининг ҳалқаро позицияга таъсир қилиш эҳтимоли:

Ҳалқаро позиция деб, дунёдаги биринчи давлат билан биринчиликни талашашётган давлатларнинг турган ҳолатига айтилади. Бу ҳолат бир хил бўлмайди, балки дунёнинг вазияти, ҳолати ва воқеа-ходисаларига қараб ўзгариб туради.

Биринчи давлатга таъсир қилиш ва шу орқали ҳалқаро позицияга таъсир ўтказиш учун биринчи давлатнинг ҳақиқий манфаатларига реал таҳдид туғдириш ёки келишиш орқали унинг манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш керак бўлади. Бугунги кундаги ҳалқаро позицияга назар ташлаган киши шунга гувоҳ бўладики, йирик давлатларнинг биринчи давлат манфаати хавфсизлигини таъминлаш орқали унга таъсир ўтказиш варианти ҳам хавфли, ҳам аҳмоқона иш. Катта давлатларга нолойик бўлган бундай услугуб ҳозирги Америка маъмурияти ва унинг сиёсати даврида фаол бўлмаган ва фойдасиз ишdir ва буни йирик давлатлар англай бошлади. Бу услубнинг катта давлатларга нолойик экани эса, унда ҳалқ борлифи билан ўйнашиш ва давлат

тақдирини хавф остига кўйиш бор. Зеро, АҚШ маъмуриятининг бугунги сиёсати йирик давлатлар манфаатига парво қилмаган ҳолда фақат ўзининг савдо ва сиёсий манфаатини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, қачон ўзи учун манфаат пайдо бўладиган бўлса, ҳар қандай шартномани бузишга, ҳар қандай халқаро қонунни оёқ ости қилишга, давлатлараро ташкилотлардан воз кечишига тайёр турибди.

Бу савдо урушлари катта давлатлар учун шундай бир хавф бонгини урдики, натижада уларнинг ҳар бири Кўшма Штатлар билан ўз сиёсатини қайта кўриб чиқишига мажбур бўлди. Ҳақиқатда, бунинг белгилари кўрина бошлади ҳам. Яқинда катта давлатлар Кўшма Штатлардан алоҳида фақат бир-бирлари ўртасида сиёсий иттифоқлар ва савдо шартномалари тузга бошлагани яққол кўзга ташланди ва бу биринчи давлат ва унинг такаббуона сиёсатига қарши кураш ўлароқ баҳоланди. Бунга мисоллар кўп. Жумладан: Шанхай ташкилотининг 2018 йил 10 июнда Хитойда бўлиб ўтган сўнгги учрашувида бўлгани каби, Россия Хитой билан яқинлашди. АҚШ қўллаган яқиндаги чоралардан манфаат жиҳатидан улкан зарар кўрган Европа Итифоқи давлатлари, «G7» давлатлари саммитида бўлгани каби, бир-бири билан яқинлашишди. Буни Макроннинг «Агар керак бўлса, «G7»нинг олти аъзоси ўзлари учун алоҳида «G6» тузиб олишимиз ҳам мумкин», деган баёнотидан ҳам хулоса қилинмоқда. АҚШ чоралари ва унинг қайсар раҳбариға жавобан берилган бу баёнот халқаро позицияда ўзгариш юз бера бошлаганидан дарак бермоқда. Американинг ҳозирги маъмурияти даврида ҳамда мутакаббир президентининг савдо урушларини эълон қилиб, Кўшма Штатлар уни пайдо қилишга қодир, дея мақтанишидан бу урушларнинг белгилари яққол кўзга ташланга бошлади. Трамп «Агар давлат бошқа давлатлар билан бўлган савдосида миллиардлаб долларларни йўқотаётган бўлса, бундай ҳолатда савдо урушлари қўй келади. Зеро, савдо урушларини келтириб чиқариш осон нарса», дея твит қолдирди. Биз Ҳизб ут-Тахрир амири улуг олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг саволга жавоб нашрасидаги Кўшма Штатлар бошлаётган савдо урушларига изоҳ сифатидаги сўзларни эслаймиз: «Бизнесменлик ақлияси соҳиби бўлган АҚШ президенти Трамп Америка иктисадиётини кутқаришга ҳаракат қиласар экан, бунда «биринчи Америка» шиорини кўтариб олди. Бу эса, Америка узоқ вақтдан буён ўз нуфузини дунёга зўрлаб тиқиширишда фойдаланиб келган халқаро муассасанинг бугун тарқалиб кетиши, бинобарин, бутун

глобал тизим ҳам тарқалиб, янги халқаро позиция юзага чиқиш мумкинлигидан дарак беради. Америка шу кунгача дунёга хўжайин бўлиш учун бошқа давлатларнинг ёрдами билан ҳамда савдо балансини ўзига мойил килиш орқали жонбозлик кўрсатиб келган эди. Аммо бугун у савдо даромадларига ўз иттифокчиларининг ёрдамисиз бир ўзи хўжайин бўлиш, уларни эса ўзининг соясига эргашиб юрадиган давлатларга айлантириш ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди».

Биринчи давлат билан катта давлатлар ўртасидаги бугунги кунда юз бераётган савдо урушлари уларнинг иттифоқлари бўлинib кетиб, янги иттифоқлар пайдо бўлишидан, халқаро позиция ўзгаришидан, янги халқаро позиция юзага келишидан, йирик давлатлар погонасига эса, янги давлатлар чиқишидан дарак беради. Масалан, Германия оғир калибрли қуроллар билан қуролланиш амалиётини бошлиши мумкин. Ҳатто, келажакда, дунёни ҳарбий курашга тиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, худди биринчи ва иккинчи Жаҳон урушлари каби. Бу билан бутун дунё йиртқич капиталист бўрилар ўртасидаги курашга ғарқ бўлади. Катта давлатлар билан биринчи давлат оламни талон-тарож қилиб, бутун қитъалар ҳисобидан ўз юртларини ривожлантиришда давом этишади. Ҳеч қандай ахлоқий ёки инсоний қадриятга қарамай, фақат моддий ва тижорий ютуқ учун кураш сақланиб қолаверади... бойликларни бўлишиб олишга келишиш ёки ихтилоф қилиб, ўзаро курашишдан қатъий назар, бутун олам катта давлатлар оловида жизгинак бўлиб қолаверади... Бугун башарият капиталистик тузумдан ҳамда шу тузум келтириб чиқараётган нопок-ғирром курашлардан Ислом давлатини барпо қилиш билангина халос бўла олади. Зотан, Ислом давлати капиталистик системани ҳамда унинг ноқис ва ожиз инсоний ақл томонидан тузилган, бутун башариятни бадбаҳт, қашшоқ ва ўзининг ҳаётий ишларини бошқаролмайдиган ожиз башариятга айлантирган тузумини улоқтириб ташлайди. Унинг ўрнига башариятнинг яратувчиси тузган Ислом тузумини ўрнатади. Зеро, башарият аҳволини нима тузатишини ва ҳаётини нима тартиб-интизомга солишини фақат яратувчигина билади. Ана шунда башарият бадбаҳтлигига сабаб бўлган кураш уни баҳтли қилувчи курашга, уни капитализм ёвузлигидан халос қилиб, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайдиган курашга айланади. □

АМЕРИКА ВА ОЛАМ

Бугунги олам ўйлаш учун вақт қолдирмайдиган даражада жадаллик билан илдамламоқда. Биз бугун оламда юз берәётган воқеа-ходисаларнинг қандай кечаяётганини тушуниб олиш учун уларни диққат билан чуқур ўрганишимиз керак. Бунинг учун аввало Аллоҳ яратган махлукотлар хақида тафаккур қилиб, ҳаёт ҳақидаги фикрларга пойdevор бўлувчи фикрий асосни вужудга келтириш лозим. Ғарбнинг бизга қарши ўз олдига вазифа қилиб олган энг муҳим ишларидан бири давлатлар, жамоалар ва шахслар даражасида бутун оламни яралиш ҳақиқатини англашдан чалғитишидир.

Бугун Америка шундай бир глобал режа устида ишламоқдаки, бу режанинг ҳеч кимга, асосан, америкалик халққа умуман фойдаси йўқ. Демократиялаштириш, деган гапга ишонган киши мутлақо хато қиласди. Чунки бугун бутун башарият бошдан кечираётган балоларга динни ҳаётдан ажратишга асосланган анави капиталистик идеология сабабчидир. Зотан, демократиялаштириш ҳақида гапиравучи бу идеология эксплуатацияни, қулдорликни, очкўзликни ва ҳеч қандай ахлоқий қиймати йўқ бўлган фойда қийматини зўрлаб ўтказди... Бутун оламни бир сиқим муайян шахслар ва оилаларда гавдаланувчи капиталист озчиликнинг нафс-ҳавосига тобе қилди... Хўш, қани демократия?!

Биринчи Жаҳон уруши пайтида Қўшма Штатлар «Монро доктринаси»га таянарди. Бу доктринага кўра, АҚШ ўзининг ташқи сиёсатида Европага нисбатан нейтрал позицияни тутиши, Европа ҳам Қўшма Штатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслиги керак эди. Шунга қарамай, америкаликлар ўз юртлари манфаатини урушга киришда деб билишди, асосий томон бўлишмаса-да, лекин ғалабага хисса қўшишди. Бироқ Британия куч ва маблагни бехуда совуриб тугатувчи бундай низоларни олдини олиш ва дунёга хукмрон бўлиш учун олам полицияси бўлишим керак, дея тушунди. Шундай тушунча асосида Миллатлар Лигасини тузиб, йигирманчи йилларда ўзидаги иқтисодий фаровонлик ва ишсизликнинг камлиги билан бошқа давлатлардан устун бўлди. (Аслида, у бунга Усмоний Халифалик ағдарилиши ортидан уни талон-тарож қилиши сабабли эришган эди). Бироқ бу давлатлар 1929 йилда Буюк Депрессия, дея аталган иқтисодий кризисга юз тутишди.

Пул ва асосий валюта бозорларининг, айниқса, турк лирасининг вайрон бўлиши, Буюк Депрессия ҳамда ишсизлар сонининг қирқ миллиондан ортиб кетиши... мана шу глобал кризиснинг барчаси

иккинчи жаҳон уруши келиб чиқишида катта роль ўйнади. Яъни, қашшоқлик Гитлер каби миллатчи хукмдорларнинг келишига сабаб бўлди, Миллатлар Лигасининг халқаро муаммоларни ҳал этиш қўлидан келмади. Уруш ниҳоялаб, Совет Иттифоқи Берлинни эгаллади, Херосима ва Нагасакига ҳеч қандай сабабсиз ташланган бомба ортидан Япония Кўшма Штатларга таслим бўлди.

Мана шу ерда, бошқа давлатлар заифлашиши оқибатида, АҚШ янги иқтисодий ва сиёсий қудрат сифатида намоён бўлди, олам капитали шу давлатга ўтди. У капиталистик идеология таҳтига ястаниб олиб, ўзини ғолиб куч сифатида тақдим этди ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгашини таъсис этди. Хавфсизлик Кенгашининг ғолиб аъзолари АҚШ етакчилигига Совет Иттифоқи, Хитой, Франция ва Британияни ташкил қилди. Америка Европа давлатларини заифлаштиришга ҳаракат қилиб, бутун оламдаги мустақиллик ҳаракатларини кўллаб-қувватлади. Буни Усмоний Халифалик ерларидан мустамлака давлатларини суриб чиқариб, ўзи у ерларга хукмрон бўлиш мақсадида қилди.

БМТ ва Хавфсизлик Кенгashi ташкил этилган бўлса-да, бироқ совуқ уруш, деган нарса Совет Иттифоқини ўз марказидан чиқариб ташлади (чунки унинг социалистик идеологияси ташкаридан кўра кўпроқ ичкаридан қайта тикланмайдиган равишда вайрон бўлди). Америка бутун олам ва унинг иқтисодига хукмронлик кила бошлади, хусусан, долларни олтиндан ажратиб, нефтьни унга боғлагандан сўнг шундай бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улкан технологик инқилоб хавфли бир ижтимоий вазиятни яратди. Чунки бу инқилоб юзта энг муҳим халқаро ахборот ширкатлари устида назорат қиладиган бўлди. Шу билан Кўшма Штатлар бутун оламга заҳрини сочадиган, бир неча дақиқа ичидан истаган кимсанинг обрўсини кўтариб, истаган кишини обрўсизлантирадиган бўлди... У бутун дунёдаги чайқовчилардан миллиардлаб қийматдаги маблағларни суғуриб олиб, истаган юртини хонавайрон қиляпти... масалан, «Осиё йўлбарслари» кризисида бўлгани каби. Шунингдек, Кўшма Штатлар Нефть экспорт қилувчи давлатларга хукмронлик қилиш билан нефть баҳосининг кўтарилиши ва пастлашига хўжайн бўлиб олди... Қитъалараро йирик компанияларни таъсис этди... Американинг мана шундай хукмронлигидан сўнг олдимиизда табиий савол пайдо бўлади: Америка оламга хукмрон бўлиб, иқтисоднинг энг юқори чўққисига етган бўлса ҳам, нега бунчалик қўрқяпти?!

Биз шунга гувоҳ бўлдикки, Америка ўз тарихи мобайнида, 1898 йилдан то 1929 йилга қадар, шунингдек, ўтган асрнинг етмишинчи ва саксонинчي йилларида кўп молиявий кризисларни бошдан кечирди. Буларга Америка ташқарисида уруш билан ечим бўлди. Бу Испанияга қилинган урушдан бошланиб, Филиппинни босиб олишгача, сўнг биринчи ва иккинчи жаҳон урушларигача, Вьетнам уруши, Форс Кўрфази урушигача давом этди... Эҳтимолки, бугунги кунимизда ҳам уруш юз бериши мумкин.

Бутун олам молиявий низоми, аслида, 2007 йили ағдарилган. Бугунги бўлаётган воқеалар шу низомнинг тузилмаси ва давлатларининг қулай бошлаётганидир. Масалан, евро валютасининг қулаши муқаррар. Миллий валютага қайтилгудек бўлса, унинг вайрон бўлиши ҳам муқаррар. Британия ва бошқа давлатлар валютасининг қулаши ҳамда АҚШ долларининг қулаши эса, вақт масаласидир. Шарқда аланга олган қўзғолонлар оламдаги бошқа давлатларга ҳам ҳашакка илашгандек илашиб-кўчиши мумкин. Трампнинг шу кунларда қилаётган ишлари бунинг аниқ далилидир. Агар молиявий низом анчадан бери қулай бошламаганда эди, Хитойга савдо уруши эълон қилинмаган бўлар эди ва бу бутун оламга уруш қилиш сари ташланган ilk қадамдир. Чунки бу қадам миллатчиликни сақлаш ва ҳимоя қилишдан дарак бермоқда. Яъни, ҳар бир давлат ҳеч қандай глобал иқтисод низомига қўшилмаган миллий давлат сифатида ўз иқтисодини ҳимоя қилишни бошлайди. Агар бу давлат глобал иқтисод низоми доирасида ҳаракат қилаётган бўлса, ундан қутулгунга қадар шундай бўлади.

Ушбу савдо уруши ҳақида Хитой савдо вазирининг «Бу уруш глобал иқтисодиёт учун ҳалокат келтиради», дея баёнот берганига гувоҳ бўлдик. Евropa Иттифоқидаги савдо комиссияси раиси Сесилия Мальмстрем «Бугун олам савдосидаги қора кундир. Биз бундай оқибатдан қочиш учун қўлдан келганча ҳаракат қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Шуниси бизга аниқ бўлдики, Евropa Иттифоқи Жаҳон Савдо Ташкилотига муносаб жавоб қайтаражакдир», деди. Трамп Твиттерда бундай деди: «Қўшма Штатлар савдо амалиётларида миллиардлаб доллар зиён кўрди, энди айни савдо урушида осонгина ғалаба қозониши мумкин, мен бу урушни яхши иш деб ҳисоблайман».

Демак, Трамп ҳам, АҚШ маъмурияти ҳам халқаро молиявий тузилманинг вайрон бўлиш томон кетаётганини, бу низом илгари ўлиб бўлганини, хозир унинг вайрон бўлаётган тузилмасидан бошқа нарса қолмаганини билишмоқда. Шунинг учун Америка ўзи

таъсис этган ташкилотларни унчалик қўллаб-қувватламай кўйганини, чунки у анча бурун қулаб бўлиб, энди қўллаб-қувватлаш фойда бермай қолганини кўриб турибмиз. Шунинг учун ушбу иқтисодий кризисларни келтириб чиқараётган, оламни тўхтатиб бўлмас урушларга тиқаётган айнан АҚШ сиёсати эканига амин бўлдик. Трамп бутун дунё АҚШ иқтисоди билан боғлик эканини, ҳалокат унинг ўзига хос эмас, бутун оламга омматан бўлажагини яхши билади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Америка ўзини айни қулаш даврига тайёрман, деб ҳисоблаяпти. У алътернатив идеология яъни, Ислом Уммати идеологияси ҳозир ҳамла қилишга заиф ҳолатда, деб ўйлаяпти. Чунки Уммат тарқоқ ҳолатда, ҳукмдорлари эса калта ўй ва амалпаст. Шунинг учун Америка қулаш ҳолатини тезлаштиришга тайёрланяпти, чунки қулашнинг минтақани ўз домига тортадиган ҳамма бўғинларини чизиб олганман, деб ўйлаяпти. Шу боисдан у оламдаги катта давлатларга қаттиққўл чоралар қўллади, шу орқали кризисдан олдинроқ ҳолдан тойишларини истади, улар тортаётган шунча машаққатлари устига машаққат юклаб, маълум вакт уларнинг ҳаракатини тўхтатиб қўймокчи. У бу билан қайтадан оламнинг хўжайинлигига қўтарилиб олишни максад қилиб, ўзининг ушбу манфур идеологиясини давом эттиришни, бироқ янгича кўринишида, навбатдаги маккорлик билан қайтаришни кўзламоқда. Ана шунда Америка шундай урушларга олов ёқиб, ўзи иштирок этувчи томонлардан бири бўлмай, балки узоқда туриб бошқарив туради, охирида аралашади ва ғалаба қозонади. Потенциалларини йўқотмай сақлаб қолган ҳолда, собиқ тахтига чиқиб олади. Бошқа давлатларни ушбу урушларга киритиш учун уларга босим қилиш услугб-воситалари эса, асло тугамайди.

Бироқ Америка ҳануз кўркувда. Чунки айни режасини амалга оширишда бир оз кеч қолгудек бўлса, бошқа томонга (Исломга) фурсат яратиб қўйиши мумкин. Ана шунда Ислом фурсатдан фойдаланиб, нафас ростлаб олиб, бутун Уммат даражасида қайта уйгонади, қайта нусрат кучади. Шуни билган Америка холис зотлар даъватини бўғишга уринмоқда. Чунки улар Умматга онг беришга кечаю кундуз қаттиқ ҳаракат қилмоқдалар, қўлларидағи соғлом мабдани фикрат ва тариқати билан тўғри етказмоқдалар. Америка дохил коғир давлатлар ушбу зотларнинг Хизбига, Хизб ут-Тахрирга лой чаплашга қодир бўлолмаяпти. Қўлларида шунча куч ва нохолис ахборот воситалари бўла туриб, билишяптики, агар ахборот воситалари орқали Хизб номини қора қиладиган бўлса,

унинг фикрлари одамларга янада кенгроқ ёйилади, Уммат Ҳизбни бағрига олади. Шуни билишгани учун ҳам Ҳизб аъзоларини қамоққа олиб, қийноққа тутиб, уларни ҳам сохта бағдодийчи халифачилар, булар қўзғолон келтириб чиқаришади, дея уларга қарши курашишяпти. Ҳолбуки, қўзғолонлар ушбу Умматнинг ичичидан чиқкан эди. Шу сабабдан улар ушбу холис зотлар харакатига қандай қилиб нуқта қўйиш мумкин, дея кечаю кундуз изланишаётганига, режалар тузишаётганига гувоҳи бўляпмиз. Бу соҳада 2018 йил июнда Ҳизб ут-Таҳрирга қарши чиқарилган экстремизмга қарши кураш СЕР (counter extremism project) маркази ҳамда АҚШ ташки сиёsat кенгаши AFPC (american foreign policy council) маркази ҳисботлари мавжуд. Дарҳақиқат, бу марказлар Ҳизб ут-Таҳрир ҳақида қуйидаги хulosага келишди:

«Ҳукуматлар ҳизбдагиларга қарши якка-якка курашишга қодир эмас. Чунки улар олам бўйлаб уюшган ташкилот бўлиб, куч ишлатишга даъват қилмайдилар. Пирамида шаклида уюшган бу жамоанинг бутун дунё бўйлаб миллиондан зиёд аъзоси бор. Уларда Халифаликнинг сиёсий идеологияси мавжуд бўлиб, худди шундай Халифаликка даъват қиладилар, Аллоҳнинг шариатини тўла татбиқ қилмайдиган Халифаликни тан олмайдилар.

Улар Росуллари сийратига таянган даъватларида бир неча босқичга ишонадилар. Ансорлари жуда кўп бўлиб, тобора кўпаймоқда. Электрон тармоқдаги фаолиятлари эса, мисли қўрилмаган даражада кучли, масалан, муҳандис Исмоил Ваҳвоҳ фаолияти каби.

Улар тартиб билан уюшган бўлиб, битта фикрга эгадирлар, ораларига ёриб кириш осон эмас. Уларга қарши дунё бўйлаб курашиш керак, шу кунларда бу курашни Америка олиб бормоқда».

Биз Америка ва унинг этагини ушлаган давлатларга бундай деймиз: Аллоҳнинг изни ила, рўёбга чиқажак иш ушбу Уммат манфаати учундир. Уммат етадиган нусрат жуда-жуда яқин инша Аллоҳ. Сиз коғирлар оламни жабру зулмга тўлдирдингиз, инсонни шахватга, мол-давлатга, умуман, Аллоҳдан бошқа нарсаларга қул қилдингиз. Аммо биз оламни адолат ва нурга буркаш учун келяпмиз, бутун олам Робби шариатини татбиқ қилиб, инсонларни инсонларга қул бўлишдан, инсонлар Роббига қул бўлиш сари олиб чиқамиз.

Биз Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари шуни барадла айтамизки, ушбу фикрни сабр-тоқат билан мустаҳкам туриб етказмоқдамиз ва Аллоҳ бизга ваъда қилган рошид Халифаликни барпо этишга мана

шу фикр асосида курашмоқдамиз. Аллоҳ Азза ва Жалладан ушбу харакатимиз ниҳоясини муваффакиятли қилиб, Уммат етакчилигини қўлга олишимизга ёрдам беришини, ҳақ билан ботил ўртасида кечётган бу йиртқич курашда бизга нусрат беришини, ботилни яксон қилиб, амалларини зое кетказишини сўраймиз. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغَلِّبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى جَهَنَّمَ يُخْرَجُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиши учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра маглуб бўлурлар» [Анфол 36]

Кўп яхшиликларга бой эй Уммат! Сиз фидоий эканингизни, Аллоҳ йўлида хону монингизни аямай қурбон қилишингизни аллақачон исботладингиз. Бугун сизнинг кунингиз. Кўпи кетиб, ози қолди, хоин киму хатокор ким фош бўлди, ўзини тўхтатиб, тўғри йўлга, Росули акрам ﷺ йўлларига, ҳақ йўлга бурилишни истаган кишига тўғри йўл аник кўринди. Зотан, уфқда Аллоҳнинг ваъдаси нишоналари кўрина бошлади... Бас, карвонга эргашинг.

Эй ушбу буюк Ҳизб йигитлари! Сабр қилинг ва бир-бирингизни сабрга чақиринг, чунки бўрон шиддатли тус олди... Агар Аллоҳнинг амрини маҳкам ушласак, барчамиз Уммат билан албатта нажот топажакмиз. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿فَمَن يَكْفُرُ بِالظَّنْعَوْتِ وَيُؤْمِنُ بِاللَّهِ فَقَدْ أَسْتَمْسَأَ بِالْعُرْوَةِ الْأُثْرَى لَا أَنْفَاصَمْ هَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْهِ﴾

«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшигтгуви, билгувчиидир» [Бакара 258]

Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиш ва давлатини барпо этиш билан Росулуллоҳнинг аҳбоблари бўлинг. Ана шунда Аллоҳ ваъда килгандек нусрат беради ва Унинг ваъдаси ҳақдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا إِنْ تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرُكُمْ وَيُبَشِّرُتُ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар, У ҳам сизларга нусрат-ёрдам берур ва жсанг майдонида қадамларингизни сабит-барқарор қилур» [Мухаммад 7] □

ДАВЛАТНИНГ КУЧЛИ ЁКИ ЗАИФ БЎЛИШИННИНГ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРИ

Бошланғич қисқа тадқиқот (3)

Абулҳамид Абдулҳамид

Давлатнинг нуфузли, обрў-эътиборли давлатга айланиши Умматнинг давлатга бўлган ишончига боғлиқ. Агар Уммат давлат ичкариси ва ташқарисидаги истакларини рӯёбга чиқара олса давлатга нисбатан ишончи шаклланади. Шунинг учун давлат Умматга ўз истакларини амалга ошириш имконини берадиган қувватга эга бўлиши керак... Мен ушбу мавзуга йигитлар эътиборини тортиш учун уни геосиёсий китоблардан олиб қисқача баён қилдим. Умид қиласманки, ушбу қисқача баён келгуси теран тадқиқотлар учун қўлланма бўлиб қолади.

Биз олдинги икки сонда давлатнинг кучли ёки заиф бўлишининг қуйидаги омилларини кўриб чиккан эдик: давлатнинг географик ўрни, майдони ва шакли, рельеф (ер юзасининг тузилиши), текисликлар, тоғлар, табиий ресурслар, иқлим ва иқтисодий омил. Ушбу сонда қуйидаги қолган омилларни кўриб чиқамиз: аҳоли, этник (ирқий) омил, миллий омил, диний омил ва тил.

9 – Аҳоли:

Давлатнинг барпо бўлиши ва қувватининг тикланишида халқи асосий ролни ўйнайди. Чунки, бунинг учун керакли ишларни халқ бажаради. Агар давлат аҳолисининг сони ва жинсий таркиби етарли бўлса, шунингдек аҳоли орасида миллий, луғавий, ирқий ва диний уйғунлик мавжуд бўлса, бундай башарий бойлик давлатнинг кучли бўлишига омил бўлади. Чунки, бундай сифатларга эга бўлган башарий бойлик давлатга куч, барқарорлик ва ички бирдамлик бахш этади. Бундай сифатларнинг битта давлатда мавжуд бўлиши жуда қийин бўлгани учун бу сифатларга эга бўлган давлат намунавий давлат бўлади. Аҳоли давлатнинг ҳақиқий бойлиги бўлиб, давлат ўзининг глобал интилишларини улар ёрдамида амалга ошириши мумкин. Давлат улар ёрдамида табиий ресурслардан фойдаланади, илм-фан ва технологияни ривожлантиришга эътибор қаратади ҳамда ўз вужудини сақлаб қолиб ҳудудини кенгайтиради.

а) Давлат аҳолисининг кўплиги куч омили бўлса, башарий бойликнинг озлиги эса, заифлик омилидир. Давлатда бошқа куч элементларининг етарли бўлиши унинг кучли бўлишида аҳоли сонининг ўринини босолмайди. Масалан, Австралиянинг катта

майдонга эга бўлиши, шунингдек, Португалияning ҳарбий соҳаси ва саноати ривожланган бўлиши уларнинг кучли бўлишига кифоя қилмайди. Майдони 92000 кв.км, аҳоли сони 11 миллион бўлган Португалия мустамлакачилик даврининг илк босқичида Африка ва жанубий Америкадаги ўзининг майдонидан бир неча ўн баробар катта бўлган майдонларда ҳукмронлик қилди. Бироқ, башарий бойлиги етишмаслиги сабабли Британия фойдасига ўз мустамлакаларидан воз кечган давлатларнинг биринчиларидан бўлди. Британияning майдони 243000 кв.км. бўлиб, ахолисининг сони 65 миллион эди. Британия ўтган асрнинг ўрталарига қадар ўз мустамлакаларини сақлаб келди. Бироқ, у ҳам кейинчалик Америка фойдасига ўз мустамлакаларининг асосий қисмини йўқотди.

б) Аҳоли таркиби:

Давлатлар аҳолининг табиий ўсиши даражасида бир-биридан фарқ қиласди. Саноати ривожланган Фарб давлатларида аҳолининг табиий ўсиши анча паст. Шунинг учун иқтисодий ривожланиш ҳамда тиббиёт соҳасидаги ютуклар аҳолининг табиий ўсишига имконият туғдирадиган жойда кекса ёшдагилар аҳоли пирамидасининг кенг базасини эгаллайдиган бўлиб қолди. Бунинг асосий сабабчиси турмуш қуришни ва туфишни чеклайдиган маданий ҳамда ижтимоий омиллардир. Бунинг натижасида туғилиш оз бўлиб, аҳоли пирамидасида ёшлар эгаллаган база кичик бўлгани учун халқ қарилек босқичига етиб борди. Бу ҳолат Швеция ва Дания каби давлатларни турмуш қуриб фарзанд кўришга қизиқтирадиган ижтимоий таълим программаларини жорий қилишга мажбур қилди. Саноати ривожланмаган давлатлар бунинг аксидир. Чунки бу давлатлarda ўлим нисбатидан туғилиш нисбати юқори ва шахснинг ўртacha умри паст. Шунинг учун ёшлар сонига нисбатан кекса ёшдагиларнинг сони оз.

Давлатлар ўтасидаги ушбу фарқقا асосан халқлар кўз қарашининг хилма хиллиги таъсир қиласди. Масалан, кексалар кўп бўлган давлатда анъанавий турмуш тарзни сақлаб қолиш кўз қарashi ҳукмрон бўлса, ёшлар кўп бўлган давлатларда мавжуд вазиятни ўзгартириш учун кўзғолон қилиш ва куч ишлатиш туйгулари кучли бўлади. Ёшлар давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий фаолиятларида фаол курол бўлгани учун ёшлар сонининг кўп бўлиши давлатда куч омили ҳисобланади.

Шуни кузатиш мумкинки, ёшлар кўп бўлиб, қариялар оз бўлган юртлар сиёсий ва иқтисодий бекарорлиги билан ажralиб туради. Бундай юртлар сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан

саноатлашган давлатлар томонидан эксплуатация қилинган бўлади. Шунингдек, бундай юртларда мавжуд вазиятга қарши қўзғолон қилиш муҳити доим тайёр бўлади. Эътиборли томони шундаки, саноати ривожланмаган юртлар эркак кишиларнинг аёллардан кўплиги билан ажралиб туради. Бу билан қўзғолон ва озодлик харакатларида қурбонлар бериш имконияти кучли бўлади ва қонли қўзғолонларда эркак кишилар сафида рўй берган йўқотишлар аҳолининг ўсишига таъсир қилмайди. Чунки бу йўқотишлар аҳолининг табиий ўсиши орқали тезда тикланади. Дунёда аҳоли сони ўсишининг энг юқори погонасини фаластиналарнинг эгаллаши бунга энг яхши мисолдир. Фаластинда аҳоли сонининг ўсиши 40 %ни ташкил қилади. Данияда эса, бу кўрсаткич 8 %дир. Саноатлашган шимол давлатларида аёлларнинг эркак кишилардан кўплиги анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш қадриятларини кучайтириб юборди. Шунинг учун кузатиш мумкинки, сайловларда овоз бериш пайтида аёллар доим ўнгчи консерватив партиялар томонида бўлади.

в) Аҳолининг географик жойлашуви:

Аҳолининг географик жойлашуви иқтисодий ва ижтимоий омиллардан ташқари, асосан рельеф (ер юзасининг тузилиши)га ва иқлим омилига боғлиқ. Инсон доим кулай иқлим шароитида яшашга, айни пайтда ҳаётий эҳтиёжлари, моддий ва фикрий тараққиёти, ижтимоий барқарорлиги ва руҳий хотиржамлиги таъминланишига мойил бўлади. Шунинг учун, ҳарорат ва намлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга етарли, ери унумдор минтақаларда, айниқса анҳор бўйида бепоён далалари бўлган минтақаларда бошқа минтақалардагидан кўра аҳоли зич яшайди. Бундай минтақалар қуи Нил дарёси ўзанидаги каби сувга бой, ери унумдор ва ҳарорати мўътадил бўлгани учун у ерларда аҳоли зич яшайди. Сурияда аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ерларини табиий сугоришга етарли даражада ёмғир ёғадиган линияда яшайди. Бу линия мамлакат шимолидан жанубигача чўзилган бўлиб, тахминан Ҳалаб билан Дамашқ ўртасини боғловчи асфальт йўл орқали Ҳама ва Хомсдан ўтиб Даръагача етиб боради. Бу линиянинг ғарбида аҳоли марказлари кўп жойлашган. Суриянинг шарқида эса, аҳоли зичлиги анча паст бўлиб, мавсумий ёмғир қишлоқ хўжалиги ерларини табиий сугоришга етадиган даражада ёғмагани учун у ерда аҳоли чорвачилик билан машғул бўлади.

Шаҳарлардаги саноат ва тижорат соҳасидаги мавжуд имкониятлар, қишлоқлардагидан кўра шаҳарда иш ўринларининг

етарли бўлиши қишлоқ аҳолисини шаҳарларга кўчишга қизиқтиради. Бу эса, миграциянинг кучайишига олиб боради. Бу билан шаҳар атрофида тартибсиз ва ҳеч қандай хизмат кўрсатилмайдиган аҳоли кварталлари пайдо бўлади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ерлари ишчи кучидан бўшаб қолади ва истеъмолчиларнинг кўпайиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш инқирозга учрайди. Бу глобал кўриниш бўлиб, биз буни аксар давлатларда кўришимиз мумкин. Масалан, Францияда қишлоқ аҳолиси умумий аҳолининг 20 %ини, Италияда 30 %ни ва Қўшма Штатларда 25 %ни ташкил қилади.

Агар мамлакат майдонига қараб аҳолининг жойлашуви кўриб чиқадиган бўлсак, Канада, Австралия ва Хитой каби баъзи катта давлатларда аҳоли бир ёки иккита ҳудудда жойлашганини кўрамиз. Бу билан мамлакатнинг кенг майдонлари деярли аҳолидан холи бўлади. Масалан, Хитой аҳолисининг сони 1.4 миллиардга етади ва аҳоли зичлиги 1 кв.км.га 88 киши тўғри келади. Хитойнинг ғарбий-шимолидаги майдонларнинг тахминан бешдан бирида аҳоли яшамайди. Майдони 1.8 миллион кв.км.ни ташкил этган мусулмон Шарқий Туркистоннинг аҳолиси 25 миллиондан ошмайди.

Аҳолининг бундай номутаносиб жойлашуви давлатнинг заиф нуқтаси ҳисобланади. Бу эса, давлатни шундай бир ривожланиш режаларини белгилашга мажбур қиласиди, бу режалар одатда аҳоли зич бўлган минтақаларга қаратилади ва аҳоли зич бўлмаган минтақалар эътибордан четда қолиб кетади. Бу билан давлатнинг айrim минтақалари иқтисодий ва хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган бўлади. Қолаверса, бу минтақалар давлатнинг қолган минтақаларидан ижтимоий жихатдан фарқ қиласиди.

Шаҳар аҳолиси яшаш шароитининг юқори кўрсаткичи келтириб чиқарадиган муаммолардан яна бири шаҳарга кўчиб келган мигрантларнинг ёмон иқтисодий ва ижтимоий вазиятда яшасидир. Бу ҳолат аҳолининг қашшоқ синфида сиёсий ўзгаришни амалга ошириш ва қўзғолон қилиш туйғуларини пайдо қиласиди. Айни пайтда иқтисодий жихатдан роҳат-фароғатда яшаган минтақалар аҳолиси янада консерватив бўлади (яъни, асл ҳолатни сақлаб қолишга интилевчи бўлади).

Аҳолининг зич яшасидан келиб чиқадиган муаммолардан яна бири катта аҳоли марказлари ҳамда саноатлашган минтақаларнинг чиқиндилари билан ҳаво ва сувнинг булғанишидир. Масалан, Қўшма Штатлар аҳолисининг сони 325 миллион бўлиб, улар дунё аҳолисининг тахминан йигирматасидан биттасига тўғри келади.

Уларнинг атмосфера булғанишидаги улуши глобал ифлосланишнинг учдан бирини ташкил этади.

г) Аҳолининг антропологик таркиби:

Агар давлат фуқароларининг башарий, луғавий ва диний илдизи бир хил бўлса, аҳолининг бундай антропологик таркиби давлатнинг кучли бўлишига омил бўлади. Чунки бундай бир хиллик ички тартибсизликлардан узоқ бўлган бирликни пайдо қиласди. Агар мазкур илдизлар бир хил бўлмаса давлат исён ва бўлгингчилик (сепаратизм) ҳаракатларига, фуқаролар урушига нишон бўлади. Кўпинча бундай ҳолат заиф давлатларда кўринади. Чунки заиф давлат фуқаролар ўртасидаги қарама-қаршиликларни тартибга келтира олмайди ҳамда душманларнинг бундай заиф нуқталардан фойдаланишини олдини ололмайди.

1 – Ирқ:

Замонавий тадқиқотларга кўра, башарият асосан учта ирқий синфга бўлинади. Булар: европоид, монголоид ва африкоид. Бу синфларнинг ҳар бири наслдан наслга ўтадиган шаклий сифатларга эга бўлиб, бу синфлар шаклда бир-биридан фарқ қиласди.

Европоид ирқига мансуб синф Ҳиндистондан бошлаб Европанинг гарбий-шимолигача бўлган жойда, шу жумладан арабий шимолий Африкада тарқалган. Африкоид ирқига мансуб синф фақатгина сахрои кабир жанубидаги кора қитъада мавжуд. Монголоид ирқига мансуб синфга келсак, бу синф Осиё қитъасининг шаркий ҳамда жануби-шаркий ва шимоли-шаркий томонида тарқалган.

Агар давлат фуқароларининг ирқий илдизи бир хил бўлса, бу бир хиллик давлатга куч баҳш этади ва агар бир хил бўлмаса бунинг акси бўлади. Африка жанубидаги кора танли туб аҳоли билан уларнинг инглиз босқинчиларидан иборат бўлган оқ танли собиқ ҳукмдорлари ўртасидаги ирқий номутаносиблик бунга мисол бўлади. Чунки бу ҳолат сиёсий кескинликларга ва кўпинча бошқарув низомининг ўзгаришига олиб келади. Кўшма Штатлардаги европоид ирқига мансуб бўлган оқ танли ҳукмдорлар билан асл келиб чиқиши африкалик бўлган кора танлилар ва осиёликлар ўртасидаги ирқий номутаносиблик ҳам бунга мисол бўлади. Европоид ирқига мансуб синфнинг мамлакат сиёсий саҳнасини ҳамда иқтисодий, маданий ва ҳарбий соҳани эгаллаб олиши, шунингдек кора танли ва турли рангдаги ирқларга қарши олиб борилаётган дискриминацияга асосланган сиёсат бунинг хатарини янада кучайтириб юборади.

2 – Миллий омил:

Аҳолиси турли миллат вакилларидан ташкил топган давлатдан фарқли ўлароқ битта миллат вакилларидан ташкил топган давлат янада барқарор ва уни кенгайишдан машғул қилиб қўядиган ички тартибсизликлардан йироқ бўлади. Агар аҳоли турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлса, улар конун олдида ҳуқуқ ва вазифаларда тенг ҳуқуқли бўлсагина давлатда барқарорлик амалга ошади.

Бунга Британияни мисол қилиш мумкин. Чунки Британия аҳолисининг бешдан тўрттасини инглизлар, қолган биттасини ўз урф одатларини сақлаб келган ва динларида инглизлардан фарқ қиласиган шотланд, ирланд, велс ва галлар ташкил этади. Ирландларнинг кўпчилиги католик, шотландлар протестант, инглизлар эса, англикан черковига эргашувчилардир. Бундан ташқари, ирландлар Ирландия оролининг бир қисми бўлиб. Улар Шимолий Ирландия Англия томонидан мустамлака қилиб олинган, деб хисоблашади ва ундан мустақил бўлиб Жанубий Ирландияга қўшилишга ҳаракат қилишади. Британияда тил ва урф-одатда французларга яқин бўлган гал миллати вакиллари ҳам бор. Британия давлатидан ички тартибсизликларни йироклаштирган нарса давлатнинг кучлилиги ва оролларда жойлашганидир. Унинг оролларда жойлашганилиги мустақилликни истаган миллатларга ўз миллатдошларидан ёрдам кириб келишига тўсиқ бўлади. Агар инглизлар юрти континентал ерларга уланган бўлганида шотланд, ирланд, гал ва велсларда бўлгинчилик (сепаратизм) рухи хозиргидан кучли бўлган бўлар эди. Ирландлар ҳақида айтадиган бўлсак, уларнинг Англия оролидан ажраганлиги ва қуруқлик йўли билан ўзларининг тарихий ватанларига боғланганлиги уларда миллий туйғуни қўзғаб доим мустақилликни талаб қилишга ундан келади. Маълумки, Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролликка қўшилганидан бошлаб Ирландия республикаси армияси Британияга хатар туғдириб келади.

Энди, инглизлар 40 % ва французлар 30 %ни ташкил этган Канадага келсақ, у ерда Франция томонидан қўллаб-қувватланган французлар инглизлардан ажralиб чиқиши талаб қилиб келади. Қвебекда протестант мазҳабига мансуб бўлган инглизлар сиёсий ва иқтисодий ҳаётга раҳнамолик қилиб турган бир манзарада аҳолининг асосий қисмини ташкил этган французлар ўз урф-одатлари ва тилини ҳамда ўзларининг католик мазҳабини сақлаб келадилар.

3 – Диний омил:

Аҳолиси турли динларга эътиқод қилган бўлишидан фарқли ўлароқ, аҳолисининг факат битта динга эътиқод қилиши давлатга куч ва ички бирдамлик баҳш этади. Агар аҳолининг турли динларга эътиқод қилиши билан бирга уларнинг тили ва миллати ҳам бир-биридан фарқ қиласидиган бўлса давлат хорижий аралашувга йўл берадиган даражада заиф бўлади. Масалан, Фарб давлатлари Усмоний давлатнинг сўнгги даврида Ливандаги тоифалар ўртасида, шунингдек Кипрдаги ўзларининг миллий тилига ва насронийлик динига эга бўлган юнонлар билан ўзларининг тили ва исломий динига эга бўлган турклар ўртасида фитна қўзғашга эришди.

Бу ерда аҳолиси турли динларга эътиқод қилиши билан ажralиб турадиган Ҳиндистон ҳам бор. Ҳиндистон аҳолисининг 80 %ини хиндулар ва 13 %ини мусулмонлар ташкил этади. Шунингдек, у ерда оз микдорда насронийлар, синхлар ва буддистлар бор. Бундан ташқари аҳолининг миллий таркибида, тилида шу даражада кескин фарқ борки, агар бу катта мамлакатнинг бир томонидан иккинчи томонигача бориладиган бўлса аҳоли ўртасида ўзаро сўзлашув қийин эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Аҳолининг 42 % ҳинд тилида сўзлашишига қарамай, давлат конституциясида бошқа 15та асосий тил, 720та лаҳжа, 72та иккиламчи тил ва 24та қабилавий тил эътироф этилган. Шунинг учун Ҳиндистон, агар марказий хукумат кучсиз бўлиб ташки омиллар унга ўз таъсирини ўтказадиган бўлса парчаланиб кетиши ҳам мумкин бўлган давлат хисобланади.

4 – Тил омили:

Тил бир хил тилда сўзлашувчи одамлар ўртасини бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Чунки улар ўртасида яқинлик ва ҳамкорлик туйғусини тил пайдо қиласи. Мусулмонлар ўртасидаги мавжуд вазият бунинг ёркин мисолидир. Чунки, араб тили ва исломий сақофат мусулмонлар тарихи ва ҳазорий ўзлигининг ажралмас қисмидир. Агар мусулмонлар бир кун келиб, Ислом низомига эга бўлган битта давлатда, яъни Халифалик давлатида бирлашишни исташса бу тил уларни бирлаштирувчи омил бўлади.

Охирида шуни эслатиб ўтиш лозимки, бу тадқиқот бошланғич қисқа тадқиқотdir ва бу тадқиқот турли мавзулардаги теран тадқиқотлар учун асос бўлиб қолиши лозим. Аллоҳ ўзи тўғри йўлга бошлагувчидир.

(Тамом). □

ХИТОБ ҚИЛИШ: УНИНГ ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИКЛАРИ

Абдурраҳмон Омирий – Яман

Фикрлар ёйилиши учун турли восита ва услублар қўлланилади. Гоҳ газета, журнал ва интернет орқали ёзилади ҳамда мақола, мавзу ва қасидалар орқали ёритилади. Гоҳида видео ва аудио тасмалари орқали тарқатилади ва гоҳида хитоб, дарс, лекция ва бошқа услублар орқали тарқалади. Аммо хитоб қилиш ҳақида айтадиган бўлсак, у аянчли ахволда ва тубан даражададир. Масалан бир хатиб хитоб қилиши учун бир соат берилади. Лекин у хутба қилиш қондаларини билмайди, чунки хутба узун эмас, қисқа бўлиши лозим. Яна бири таҳорат, ҳайз, намоз, ҳаж, рўза ва закот ҳақида гапиради... Бу мавзулар аҳамиятли бўлса-да, Уммат улар ҳақида етарли билимга эга. Лекин улардан аҳамиятли ва каттароқ мавзулар мавжуд. Масалан Ғарб мусулмонларнинг бойикларини эгаллаб олгани, ерларини босиб олгани ҳамда Бирма, Ироқ, Афғонистон, Ўзбекистон ва Фаластиндаги аёлларнинг номусини топтаётгани ҳақида ҳеч қаерда гапирилмайди. Хатиб фикрсиз ва муаммоларни муолажа қилмасдан мусулмонларнинг туйғуларига тегади. Тингловчи у ердан гўё қорни тўйиб чиқади. Яна бир хатиб гўё минбар унга хиргойи қилиш учун берилгандай, минбарда туриб чиройли оҳангда гапиради. Бошқаси эса, мусулмонларни бирлаштириш ва давлатини тиклашга даъват қилиш ўрнига мазҳаб ҳақидаги сийқаси чиққан хутбасини қиласди. Бу билан кофириларнинг мақсадини рўёбга чиқаради.

Умматга, хусусан унинг хатибларига бир қанча омиллар шикаст етказди. Булардан бири Ислом давлатининг қулаши ва Ислом билан бошқарилмаётганидир. Бу ҳолат Исломга ва унинг фикрларига, шу жумладан хатибларга эътибор бермайдиган бошқарувни пайдо қилди. Бу билан хатибларнинг ишини назорат қиласдиган, яхши сифатларини кучайтириб ёмон сифатларини танқид қиласдиган назоратчи қолмади. Шунингдек, хоҳ Ислом ҳукмлари ва хоҳ араб тилини ўрганишда бўлсин хатибларнинг фикрий савияси тубанлашди. Улар на яшайтган воқеимизни тушунишди ва на унга ҳукм чиқаришди. Бундан ташқари, ҳозирги малай давлатлар томонидан ёлланма хатиблар тайинланди, уларга Ғарб тарқатаётган фикр ва таълимотлар ўргатилди. Натижада, улар Ғарб ва унинг малай ҳокимлари розилигини олиш учун ҳаракат

қила бошлашди. Бу ерда яна бир омил бўлиб, у ҳам бўлса хатиблар ҳокимларнинг зулмидан қўрқиб ҳақни айтишдан тўхтадилар.

Юқоридаги муқаддима мени ушбу мавзуни ёзишимга сабаб бўлди. Мен бу ишда Аллоҳнинг розилигини ва ушбу хатиблар юраётган нотўғри йўлни ўзгартиришни умид қиласман. Аллоҳ Таоло бизни ва уларни ҳидоятласин, уларнинг хитоб қилиш йўналишини ўзгартирисин. Натижада, улар Умматга фойда келтирадиган яхши хатибларга айлансин. Хутбани тинглаганлар тўғри исломий фикр ва исломий туйғу билан чиқсан. Шунингдек, ушбу фикр ва туйғу билан жамиятни ўзгартирадиган ҳамда яхшилик ва тўғри уйғонишга етаклайдиган исломий шахсияларга айлансан. Ўйлаб кўринг, хатиблар қанчалаган хитобларни қилишади, шубҳасиз улар минглаган ва миллионлаган сондадир. Ҳа, уларнинг сони жомеъ масжидлари сонича. Агар бу хутбалар мукаммал ва тўғри тарзда олиб борилса, ушбу азоб чекаётган Умматга кифоя қиладиган уйғонишни пайдо қиласди.

Хитобнинг лугавий маъноси нотиқлик ва баён қилиш санъатини билиш демакдир. Хитоб қилиш фани одамларни қаноатлантириш ва маҳлиё қилишдир. Бу сўзлаш орқали бўладими ёки ёзиш орқалими фарқи йўқ. Хитобни тингловчининг бутун вужудини эгаллаб оладиган сўзлаш ёки ёзиш маҳорати деб таърифлаш ҳам мумкин. Қисқача айтганда, у одамларга таъсир қилиш ва уларни оғдириш учун уларга хитоб қилишдир. Хитоб қилишнинг ўзига яраша асослари мавжуд. Улар оғзаки сўзлаш, тингловчиларнинг бўлиши ҳамда далил ва ҳужжатлар асосида қаноатлантириш ва мойил қилишдир. Мойил қилиш ёки айтилаётган нарсага нисбатан туйгуларни тўлқинлантириш ёки қалбларга хотиржамлик солиш билан бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло инсонга ўз фикрини ифодалаш ва бошқаларни ўз фикри билан қаноатлантириш табиатини берган. Бу соҳада пайғамбар ва элчилар биринчи ўриндадирлар. Чунки улар қавмларига ўзлари олиб келган ақидани гавдалантирувчи фикрларга қаноатлантириш учун уларга хитоб қиласди. Араблар эса, хитоб қилиш фанида машҳур бўлишган. Чунки улар ўзларини ҳимоя қилишда қофияли насрдан фойдаланар эдилар. Шунингдек, улар бу ишдан фаҳрланар ҳамда ўзлари машҳур бўлган нарсаларини кўрсатишар эди. Бу фасоҳат ва баён бўлиб, табиий сифатдир. Бундан ташқари хитоб тортишув, сухбат, урушларда ҳамда номус, бойлик, жон ва ҳурматни ҳимоя қилишда ишлатилар эди.

Аммо Ислом одамлар хитобни яхши қабул қилгани учун унга катта аҳамият қаратди. Пайғамбаримиз ﷺ ҳам одамларни Исломга

чақирап экан, хусусан диний маросимларда хитобдан фойдаланди. Ислом келиб, жоҳилиятдаги хитобни тўғрилади ва унга Ислом фикрини қоришитирди. Натижада, жумъя ва икки ийд хутбалари пайдо бўлди.

Бу хутбалардаги фикр Қуръони карим тушунчалари ва Росули карим ҳадисларига таянар эди. Шунингдек, улар динга эргашишга, уни маҳкам ушлашга, охират ҳётига ҳаракат қилишга, Аллоҳнинг сўзини олий қилишга ва Ислом ҳукмларини татбиқ қилиш учун давлат тиклашга чақирап эди. Шунингдек, мусулмонларни шахват йўлида тойилишдан қайтарар эди. Натижада, хитоб балоғатда етук дараҷага етди. Хусусан рошид халифалар, сахобалар ва Зиёд ибн Абих, Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий ва Абу Ҳамза Шорий каби тобеинлар даврида таъсир қилувчи, пухта ва қаноатлантирувчи услугба айланди.

Қўйида хатибнинг хутбаси жамиятга катта таъсир қиласидиган, муваффакиятли бўлиши учун лозим бўлган шартларни айтиб ўтамиш:

1 – Хатиб одамларни ўзига жалб қилиши ва қаноатлантириши лозим. Шунингдек, унда виқор, тўғрилик, вафо, омонат, олий ҳимматлик, очиқлик ва ёрқин тушунтириб бериш қобилияти бўлиши лозим.

2 – Тили равон, бехуда гапирмайдиган, дудуқланмайдиган ва одоб билан гапирадиган бўлиши лозим.

3 – Қуръони карим, у ҳақдаги илмлар, тафсир ва Қуръон ҳукмларини билиши ҳамда ҳадиси шарифдан хабардор бўлиши лозим.

4 – Овози чиройли ва мулойим бўлиши ҳамда одамлар уни қийинчиликсиз қабул қилиши керак. Шунингдек, унда сохталик ва бузуқлик бўлмаслиги лозим.

5 – Сўзлаш ва ҳақиқатни айтишда журъат бўлиши, иккиланмаслиги, кўнгли бўш бўлмаслиги, режимларга яхши кўриниш учун ҳаракат қилмаслиги ва уларнинг хатосини очиқ баён қилиши лозим.

6 – Ислом ҳукмларини, хусусан бугунги масалаларнинг ҳукмларини билиши лозим.

7 – Сиёсий воқе ва у ҳақдаги шариат ҳукмини билиши лозим.

8 – Хутба узун бўлмаслиги керак. Чунки у университетда ўқиладиган лекция эмас, хутбадир. Сўзларнинг энг яхшиси қисқа ва маъноли бўлганидир. Яхши сўзни қисқа гапириш уни чўзишдан афзаладир. Одамлар сени ёмон кўриб, зерикканларида тўхтаганингдан кўра, улар сенга завқ ва шавқ билан турган пайтда

хутбани тўхтатганинг яхшидир. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Аммор айтадики: Мен Росууллоҳ ﷺ шундай деганини эшигтганман:

«إِنْ طُولَ صَلَاةَ الرَّجُلِ وَقَصَرَ حُطْمَتِهِ مَئِنْ فِيهِ، فَأَطْبِلُوا الصَّلَاةَ، وَافْصُرُوا الْحُطْمَةَ، وَإِنْ مِنْ أَبْيَانٍ سِخْرَأً»

«Киши намозини узун ва хутбасини қисқа қилиши билимидан нишонадир. Шундай экан, намозни узун ва хутбани қисқа қилинг. Чунки баёнда сехр бордир». Жобир ибн Самара айтади: «Пайғамбар ﷺ билан намоз ўқиганимизда у кишининг намози ҳам, хутбаси ҳам бир хил бўлар эди». Муслим ривояти. Бунинг маъноси намоз хутбадан узун бўлишидир. Абу Ҳурайранинг ривоятида Росууллоҳ ﷺ Жумъа ва Мунофиқун сураларини ўқир эди. Нўймон ибн Баширнинг ривоятида Аъло ва Ғошия сурасини, Ибн Аббос ривоятида Мунофиқун ва Жумъа сурасини ўқир эди.

Юқоридаги ҳадислардан Росууллоҳ ﷺнинг энг узок жумъа намозида икки Фотиҳа, икки сажда, икки рукудан ташқари Мунофиқун ва Жумъа сураларини ўқигани ва бу Иброҳим ﷺ намозидан гувоҳлик бериши кўриниб турибди. Аммо Росууллоҳ ﷺнинг қисқа жумъа намозида Мунофиқун ва Жумъа суралари ўрнига Аъло ва Ғошия суралари ўқилган. Демак намоз вақтини ушбу сураларни ўқиш учун кетадиган вақтга таққосласа бўлади, бундан узок ўқишига чақирилмайди.

9 – Хутбага муносиб мавзуни танлаш, бу одамлар ўз муаммоларини муолажа қилишда уларга керак бўладиган мавзу бўлиши лозим. Муаммо гоҳида ақидага алоқадор бўлиб, уни бир нуқтага боғлайдиган фикрларга муҳтоҷ бўлади. Гоҳида эса, муаммо воени кўрсатиб бериш, ёки сиёсий позиция билдириш, ёки бир фикрга марказлашиш, ёки хато фикрни тушунириш ва у ҳақида ҳақиқатни баён қилиш бўлиши мумкин... Шунинг учун фаръий эмас, асосий ва муҳим мавзу танлаши лозим.

10 – Уммат орасида умид руҳини уйготиш ва мусулмонлар ғалаба қилган жанглар ҳақида гапириш.

11 – Хитоб услубидан фойдаланиш лозим ва дарс, лекция, мақола, қисса ёки шеър услубидан йироқ бўлиш зарур... Шунингдек, фикрат талабига кўра, таъсирли услублардан фойдаланиш керак.

12 – Лахндан, яъни хутбани куй қилиб ўқишдан узок бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Чунки хатибининг ўз сўзини куй қилиб

айтиши уни хунук қилиб кўрсатади. Масжид меҳробида Қуръонни кўй қилиб тиловат қилишдан хунукроқ иш йўқ.

13 – Дуо қилаётган пайтда хатиб икки қўлини кўтармаслиги, балки кўрсатгич бармоғи билан ишора қилишга чекланиши.

14 – Чиройли тарзда туриш.

Қуйида жумъа хутбасидан намуна келтирамиз:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

1 – Хутба номи: Ватанпарварлик робитасининг сохта ва бузуқлиги.

2 – Муқаддима:

Оламлар роббиси, аршнинг карим Роббиси, тақводорларнинг ёрдамчиси ҳамда золим, кофир ва мунофиқларни мағлуб қилувчи бўлган Аллоҳ ўзининг аниқ ва равshan китобида айтади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا آتَقُوا اللَّهَ وَقُلُّوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿١﴾ يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٢﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўгри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни магфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуг баҳтга эришибди» [Аҳзоб 70-71]

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا آتَقُوا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»

[Оли Имрон 102]

У зот ўзи танлаб олган Пайғамбари Муҳаммадга Аллоҳнинг салавотию саломлари бўлсин. Эй ҳидоят нури, танланган Пайғамбари ва тақводорлар саййиди бўлган Муҳаммад сизга Аллоҳнинг салавоти ва саломлари бўлсин.

3 – Мавзу:

Эй мусулмонлар, бугун Ислом юртлари, яъни Яманни Ҳижоздан, Мисрни Судандан, Эронни Амирликлардан ажратиш учун мустамлакачи кофир чизган чегараларни деб, мусулмонлар бир-бири билан уришмоқда...

Ха, улар Британия ва Франция Сайкс-Пико шартномаси оркали чизган чегаралардир. Бу икки давлат 1924 йил Усмоний давлат қулагач, Умматни парчалаб, 57та давлатчага бўлиб юборди. Натижада, Уммат душманлари учун унинг кучи, иқтисоди, фикри ва барча қадрияларини синдириши осон бўлиб қолди. Шунингдек, Уммат ўша ваҳший мустамлакачилар чангалида қолди. Фарб ушбу

чегараларни мустаҳкамлаш учун бу сохта давлатлар халқи ўртасида бузук ватанпарварлик робитасини пайдо қилди. Лекин у робита бўлишга ҳам ярамас эди, чунки у мусулмонлар ўртасини мустаҳкамлайдиган битим бўла олмайди. Яна у одамлар уйғониш йўлига юрар эканлар, уларни бир-бирига боғлайдиган робита бўла олмайди. Аллоҳ Таоло инсонни яратиб, унга муайян хусусиятлар яъни узвий эҳтиёжлар ва гаризалар инъом этди. Ушбу гаризалардан бири инсоннинг ўзи яшаётган ерига бўлган муҳаббатидир. Мустамлакачи кофирлар мана шу гаризадан фойдаланиб, туйғуга асосланган тубан фикрни пайдо қилишди. Табиийки, бу фикр соф Ислом мабдасидек мабдага асосланмаган эди. Натижада, бир парча ерга, яъни ватанга бўлган муҳаббат ушбу халқлар муқаддаслайдиган нарсага айланди.

Бу робита мустамлакачи кофир чизган бўлиниш, парчаланиш ва ажralишини яна ҳам мустаҳкамлади. Шунингдек, мусулмон юртларини давлатчаларга бўлиб юборди. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло гуруҳларга бўлинманг дейди. Шундай қилиб ҳар бир давлатнинг ўз чегарасига бўлди. Бу чегаралар уларни бошқа исломий юртлардан ажратиб қўйди. Бу чегара ортидагилар гарчи мусулмон бўлса-да, ўша давлат учун ажнабийга айланди.

Бу давлатга ажнабий хисобланган мусулмон фақат рухсатнома билан қолишга ҳақли бўлиб қолди. Бошқа давлат фуқароси фақат виза билан киради ва мезбон давлат фуқаролари хуқукларидан фойдалана олмайди. Ҳатто айрим давлатларнинг аёл фуқароларига бошқа давлат фуқаролари уйланиш хуқуки йўқ. Шунингдек, бошқа давлатнинг идораларида ишлаш ва сайловда қатнашиш мумкин эмас. Афсуски, мусулмонлар мана шу ватанпарварликка чақиришмоқда. Айни пайтда Европа бирлашмоқда ҳамда аҳолиси мусулмон юртлар аҳолисига яқин, яъни 1 миллиарддан кўп Хитой аҳолисини бирлашган ҳолда сақлаб келмоқда. Америка Кўшма Штатларининг сони мусулмон давлатлар сонига яқин, яъни 51 та штат бўлишига қарамай, битта давлат бўлиб яшамоқда. Эй мусулмонлар ватанпарварлик робитаси саёз ва фикран тубан робитадир. Унинг асоси Ислом мабдаси эмас, балки ҳайвон ва күшларда ҳам мавжуд бўлган гаризавий асосдир. Бу робита уруш ва муаммо пайтидагина одамларни бир-бирига боғлайди, тинчлик ҳолатида унинг таъсири йўқ. Умматни бўладиган, парчалайдиган ва тарафкашликни ёядиган робитага ишонамизми? Аллоҳ Азза ва Жалла кўплаган оятларда бу нарсани қораламоқда.

﴿وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفْرُقُوا وَآذِكُرُوا بِنَعْمَةِ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلَى شَفَا حُفْرَةٍ مِّنَ النَّارِ فَانْقَذَكُمْ مِّنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهَتَّدُونَ﴾

«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қиласди» [Оли Имрон 103]

Ахир мустамлакачи томонидан бўлиниш уруғи сочиб қўйилган ҳамда кенг қамровли, мукаммал бўлган Ислом робитаси ўрнига ватанпарварлик робитаси кучайтирилган тарқоқ давлатчаларда қандай қилиб Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутиш ва бўлинмаслик мумкин. Инсониятнинг энг яхшиси бўлмиш Мухаммад ﷺ айтади:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ دَعَا إِلَيِّ عَصَبَيَّةً»

«Ким тарафкашликка чақирса, у биздан эмас»,
«دَعْوَاهَا، فَإِنَّهَا مُنْتَهَةٌ»

«Уни улоқтириб юборинг, чунки у жирканчdir».

Бу ҳадиснинг тарихи шундан иборатки, бир яхудий ансорлар, яни Абс ва Хазраж ўртасига тафриқа, уруш ва адоват солишини ният қиласди. Уларга жоҳилият даврида ўрталарида бўлган воқеалар, бир-бири билан урушганлари ва бир-бирини қандай ўлдирганларини эслатади. Натижада, улар бир-бирлари билан ёқалашиб кетади. Лекин Росулуллоҳ ﷺ Абс ва Хазраж ўртасига рахна солишини хоҳлаётган бу ифлоснинг мақсадини билиб, уларни бу ишдан қайтаради. Росулуллоҳ ﷺ ушбу хийлани фош қилиб, газабланган ва юзлари қизарган ҳолда шундай дейди:

«أَبِدَعُوهُ الْجَاهِلِيَّةَ تَبْغُونَ وَأَنَا بَيْنَ طَهْرَائِيْكُمْ... دَعْوَاهَا إِنَّهَا مُنْتَهَةٌ»

«Мен орангизда тирик бўла туриб, жоҳилият даъвосини истайсизми?... Уни ташланглар, чунки у жирканчdir». Демак тарафкашлик миллат учун бўладими, ёки ватан, партия, қабила, шахс, мазҳаб учунми фарқсиз шаръян ҳаромдир. Тарафкашлик ҳаром, чунки у бўлинишга олиб боради ва шариат уни қоралаган.

Бу ерда яна Исломдан олдинги тарафкашлик ва миллийлик байроқларини кўтаришга чақираётган даъватлар бор. Улар Фиръавнийлар, Ашурийлар, Арманийлар, Хамирийлар ва Събийлар бўлиб, ботил чақириклардир. Улар ҳақида Аллоҳ Таоло томонидан бирор ҳужжат йўқ. Инсон уйғониш йўлида юрар экан, тарафкашлик уларнинг ўртасини боғлаб туришга ярамайди. Балки у миллийлик, тарафкашлик ва муаммога чақирадиган робитадир.

Ҳа, Уммат Пайгамбари Абс ва Хазраж ўртасига тушиб, уларни улкан мусибатдан кутқарди. Чунки бунда мусулмон мусулмонни ўлдириши мумкин эди. Бугун бизни тафриқа, бўлиниш ва уришишдан ким кутқаради? Албатта бизни оят ва ҳадисларда келган Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари кутқаради. Шунингдек, ҳаётдаги барча муаммолардан шариат ҳукмлари кутқаради.

Муҳаммад ﷺ мусулмонларни турли ирқ ва миллатда бўлишига қарамай битта Ислом давлатида бирлаштириди. Қора танли Билол, Римлик Сухайб, Қурайшлик Али, Форслик Салмон ва араб миллатидан бўлган Умарларнинг бугунгидек алоҳида байроқлари бўлмаган. Бугун ҳар бир давлатнинг чегараси ҳамда Исломга умуман алоқаси бўлмаган байроқ ва қонунлари бор. Олдин уларнинг битта Уқоб байроби, Ла Илахи иллаллоҳ Муҳаммадун Росууллоҳ байроби бор эди. Инсоният саййиди Муҳаммад ﷺ мана шу байроқ остида яшади ва вафот этди. Мусулмон юртларининг 57та байроби, қизил, яшил, сарик, қора ва оқ байроқлари нимани англатади? Парчаланиш ва бўлинишни англатмайдими? Бунинг маъноси ҳар бир давлатнинг тарафкашлик асосида ўз давлатига садоқат кўрсатадиган, уни яхши кўриб ҳимоя қиласиган халқи бор, дегани эмасми? Мусулмонлар мана шу байроқни деб бир-бири билан уришадими? Мустамлакачи кофир тиклаган ҳокимни деб уришадими? Ахир биз учун битта, яъни Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росууллоҳ байроби бўлгани афзал эмасми? Ахир биз кучлиги заифини эзадиган одамлардан бошқа алоҳида Уммат эмасмизми? Бизнинг ақидамиз Ислом ақидаси, байробимиз Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росууллоҳ байроби эмасми? Бизнинг ҳукуқ ва бурчларимиз бир эмасми? Ҳурмат тақво билан эмасми? Бунинг маъноси илоҳимиз битта, китобимиз битта ва Росулимиз битта дегани эмасми? Бунинг маъноси тинчлигимиз битта ва урушимиз битта дегани эмасми? Бунинг маъноси иқтисодимиз, ҳокимиятимиз, сиёсатимиз, таълимимиз, сақофатимиз, муаммойимиз, даъвоимиз, қўшинимиз ва барча манфаатимиз бўлинмас битта дегани эмасми?

4 – Муолажа:

Эй мусулмонлар, ушбу хутба сўнгига таъкид билан айтамизки:

– Ҳақиқий робита тўғри мабда робитасидир. Бизнинг мабда Исломдир ва у Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадун Росулуллоҳ робитасидир. Росулуллоҳ ﷺ айнан мана шу робитани маҳкам ушлади.

– Исломдан бошқа, яъни ватанпарварлик, миллатчилик, манфаат ва руҳий асосдаги робиталарнинг барчасини улоқтириш лозим. Чунки улар тубан ва нуқсонли робиталардир. Шунингдек, Аллоҳ юборган Ислом мабдаси робитасига зиддир.

– Ватанпарварлик, республика ва демократия каби фикрларни тарк этиш лозим. Чунки уларнинг барчаси Исломга қарши капиталистик фикрлардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик» [Анбиё 107]

Биз буларни баён қиласар эканмиз, сизларни Пайғамбар ﷺ дуои саловот айтишга чақириб қоламиз. Зоро, Аллоҳ Таоло бизни ўз Росулига дуои саловот айтишга буюради.

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَا تَرْكَ كَتَبَهُ يُصْلِلُونَ عَلَى النَّبِيِّ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلَوْا عَلَيْهِ وَسَلَّمُوا﴾

﴿تَسْلِيمًا﴾

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!» [Аҳзоб 56]

5 – Дуо:

Эй Аллоҳим албатта биз ўзингга қайтгувчимиз. Ўзинг гуноҳларни афв қилувчи зотсан, бизнинг гуноҳларимизни афв эт, хатоларимизни кечир, амалларимизнинг охири солих амал бўлишини насиб эт. Эй Аллоҳим мусулмонларнинг юртларини бирлаштири, ўзингнинг муҳкам китобингда ваъда қилган Ислом давлатини тикланишини насиб эт.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيُسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَمْ يَكُنُنَّ لَّهُمْ دِيْنُ الَّذِي أَرْتَصَنَّ هُمْ وَلَيَبْدِلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ أَسْتَخْلَفَ الَّذِينَ﴾

حَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشَرِّكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَسِيقُونَ

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни (ер юзига) халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун йўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг хавфу хатарларидан сўнг тинчлик хотиржасмликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]

Ўз Росулинг орқали ваъда қилган давлатинг тикланишини насиб эт. Шунда ўша давлат қалблар ва ақлларни бирлаштиради, сохта чегараларни йўқ қиласди ҳамда капитализм азобидан Ислом раҳматига олиб чиқади. Албатта сен ўз бандаларига яқин ва эшиутувчи зотсан.

Албатта Аллоҳ сизларни уч нарса, яъни адолат, эҳсон ва қариндошларга яхшилик қилишга буюради. Шунингдек уч нарса, яъни фаҳш, мункар ва зулмдан қайтаради. У зот сизга ваъз қилур, шоядки эсласангиз... Намозга туринг. □

ОЧИҚ КИТОБДАГИ АНИҚ ҲАҚИҚАТ
(Ислом: Яхши сўз... асил дарахтга ўхшайди...)
Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

﴿أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيْبَةً كَشَجَرَةً طَيْبَةً أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ ﴾
﴿تُوقَنِي أَكُلُّهَا كُلَّ حِينٍ بِإِذْنِ رَبِّهَا وَيَضْرُبُ اللَّهُ أَلَّا مِثَالًا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴾
﴿وَمَثَلُ كَلِمَةٍ حَبِيبَةٍ كَشَجَرَةٍ حَبِيبَةٍ أَجْتَثَتْ مِنْ فَوْقِ الْأَرْضِ مَا لَهَا مِنْ قَرَارٍ ﴾
﴿يُشَتِّتُ اللَّهُ أَلَّا ذِرَّةً ءَامُنُوا بِالْقَوْلِ الْثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُؤْضِلُ اللَّهُ أَلَّا ظَلَمَيْنِ ﴾
﴿وَيَقْعُلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ﴾

«24-25. (Эй инсон), Аллоҳ яхши сўзга (яъни, имон калимасига) қандай мисол келтирганини кўрмадингми? У сўз худди бир асил дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса, самога бўй чўзган бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Аллоҳ одамлар эслатма-ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур. 26. Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзининг) мисоли эса, ердан (илдизи) узилиб қолган, бир жойда (ўрнашиб) қўним топмайдиган нопок дарахтга ўхшар. 27. Аллоҳ имон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устувор сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса, Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур» [Иброҳим 24-25]

Оят кариманинг тафсири ва ундаги балоғат:

1 – Ояти кариманинг бошланишида Аллоҳнинг хитоби «أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيْبَةً كَشَجَرَةً طَيْبَةً أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي کўрмадингми?», деган савол шаклида келяпти. Бу ўқувчи ва тингловчининг эътиборини тортади ва ўзига жалб қиласди. Гўё оят ўқувчи ва тингловчига қаратади: Иш – ақлли ва фикрли одам учун аниқ равшан дегандек... Бу ерда савол бир неча ишларни қамраб олмоқда. Бошқача айтганда, савол битта эмас, бир неча маънони ўз ичига олмоқда, улар: (огоҳлантириш, инкор ва тасдиқ). Бу Куръони карим балоғатидир... Саволдаги энг кўзга кўринган иш огоҳлантиришдир... Яъни, эй инсон қара, огоҳ бўл ва фикр қил, демоқчи бўляпти. Эй инсон ўз ақлинг билан Исломга, унинг шариатига ва ҳукмларига қара ҳамда Ислом билан ер юзидаги бошқа эгри бугри йўлларни тақкосла, деб айтиётгандек!

2 – Тасвирлаш ва ҳужжат келтиришдаги ўхшатиш: Аллоҳ Таоло бу ерда Исломни яхши сўз ва мевали асил дарахтга ўхшатипти. Бу Ал-Ваъй

ўхшатишнинг энг мукаммал сурати бўлиб, унда одамларга осон ва енгил йўл билан ҳужжат келтирмоқда. Чунки ўхшатишда суратни зеҳнга яқинлаштириш бор.. Бу ерда ўхшатиш бир неча суратни ўз ичига оляпти... Яъни яхши сўз (Ислом дини) асил дараҳт каби илдизи ерга мустаҳкам ўрнашган ва баланд бўлади. У мудом ширин мева беради ва уни йил давомида истеъмол қилинади, яъни хурмога ўхшатилади... Иккинчи ўхшатиш ёмон сўз яъни куфр дини. Аллоҳ Таоло ёмон сўзни на илдизи, на ширин меваси ва на фойдаси бор бўлган нопок дараҳтга ўхшатяпти. Бу ерда ҳам суратни зеҳнга яқинлаштириш ва ҳужжат келтириш бор...

3 – «*أَجْتَمَعَ الْمُرْسَلُونَ* ердан (илдизи) узилиб қолган» иборасида ёмон сўзни куфрнинг ўлганига далолат қилувчи ўхшатиш бор. Яъни унда ҳаёт йўқ деганидир. Бу сўз ҳаракатланмайдиган жонсиз гавда сўзидан олинган.

﴿أَوَّلَمْ كَانَ مِيتًا فَأَحْيَنَاهُ﴾

«Аввал ўлик бўлган, сўнгра биз уни тирилтиридик» [Анъом 122] Агар у (дараҳт) ердан узилиб қолса, бошқа ўсмайди, чунки унинг мустаҳкам илдизи ва остки қисми йўқ...

4 – Мустаҳкам илдиз ва ердан узилган гавда деганда етук маъно бор. Чунки мустаҳкам илдизни ердан суғуриб олишга қанчалар ҳаракат қилманг, у ерга маҳкам ёпишиб, яна ўсаверади. Аммо куфрга ўхшатилган жонсиз тана эса, узилгандан кейин қайта ўсмайди ва

﴿مَا لَهَا مِنْ قَارِبٍ﴾

«Бир жойда (ўрнашиб) қўним топмайди». Бу унинг заифлиги ва имконияти йўқлигидан киноядир.

5 – «*بِالْقَوْلِ أَشَّابَتِ* устувор сўз», дегани Ислом олиб келган ақида ва ҳукмлардан киноядир... Бу етук ишорадаги маъно шуки, устувор сўз эгасининг ақли ва қалбида мустаҳкам ўрнашиб, хотиржамлик ва қаноатни пайдо қиласди... Бу ерда ерга мустаҳкам ўрнашган мевали дараҳт билан устувор сўз ўртасида уйғунлик мавжуд бўлиб, бу нарса Аллоҳ ер ва унда бўлган нарсаларни қайтариб олмагунича тўхтамай давом этади...

6 – Ҳақиқат ва тўғриликдан узоқ бўлган залолат сўзининг ишлатилиши. Бунда максад сари юришда йўлини йўқотган кимсани ўз ҳаётини муолажа қиласиган манҳажни танлашда адашган кишига ўхшатяпти... Залолат сўзида ҳақиқатни йўқотиш

маъноси бор. Чунки залолатнинг лугавий маъноси бир нарсани йўқотиб топа олмасликдир. Йўлдан адашганлар гўё уни аслида билмагандек бўлиб қолади. Чунки у уларнинг ҳаётида ўз борлигини йўқотган. Бунда агар улар билганларида адашмаган бўлар эдилар, деган маънога ишора бор...

Оятлар олинадиган сабоқ ва ибратлар

1 – Ислом ҳақ ва тўғрилик динидир, қанчалик шамол эсмасин ва урушлар бўлмасин, у мустаҳкам ва ўсувчиидир.. Чунки шамол мустаҳкам дараҳтни қўзгата олмайди. Қаттиқ шамол эсиб, унинг ширин мевасини тўқса-да, лекин у ўз вужуди ва ўзагидан бирор нарса йўқотмайди. Шунингдек, у ердан узилмайди. Бунда ушбу дин вакилларини ўша динни маҳкам ушлаш, уни озиқ тишлари билан маҳкам тишлаш ва кофирлар уларнинг мустаҳкам дараҳтига қанчалар хужум қиласин бўшашмасликларига чақириқ бор. Шунингдек, улар ўzlари имон келтирган ва қалбларига ўрнашган дараҳтдек бўлишларига чақириқ бор...

2 – Ислом дараҳти мевалари жуда шириндир, у ер юзидағи бошқа мабдаларга ўхшамайди.

﴿كَلِمَةُ طَيِّبَةٍ كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ﴾

(Яхши сўз худди бир асил дараҳтга ўхшайди). Яхши дараҳт меваси, кўриниши, сояси ва бутун вужудида яхшидир...

Бу диннинг барча ҳукмлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқарув ҳукмлари нуронийдир. Улар инсоният ўртасида адолат ва тўғриликни рўёбга чиқаради. Исломдаги ахлоқ яхши ахлоқдир, Пайғамбаримиз ﷺ:

«إِنَّمَا بُعْثَتُ لِأَنَّمِّمَ مَكَارَمَ الْأَخْلَاقِ»

«Мен чиройли хулқларни тўла қилиш учун келдим», деган... Ширин мева бериш ушбу диннинг ажралмас сифатидир. Демак, у тинмай мева бераверади.

3 – Исломнинг тўғрилиги, вужудининг чиройлилиги, дараҳтининг гўзаллиги (яъни, ҳукмларининг чиройлилиги), мевасининг яхшилиги... Куфрнинг жирканчлиги, ҳукмларининг ёмонлиги, золимлиги ва зулмати мусулмонга шундай бир башоратдирки, мусулмон одам келажак фақат шу динники эканидан хотиржам бўлади. Шунингдек, бу – касал мабдаларнинг келажаги қулаш ва завол топишдан иборат эканлиги ҳақидаги башорат ҳамдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَدْ مَكَرَ الظَّالِمُونَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَوْ أَلَّهُ بُنَيَّنَهُمْ مِنْ أَلْقَوْا عِدْ فَخَرَ عَلَيْهِمُ الْسَّقْفُ
مِنْ فَوْقِهِمْ وَأَتَهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرونَ﴾

«Улардан аввалги (кофир) кимсалар ҳам (ўз пайгамбарларига мана шунга ўхшаши) макр-ҳийлалар қилган эдилар. Шунда Аллоҳ улар (курган макр-ҳийла) биноларини таг-туги билан емириб ташлади, бас, улар (тўқиб олган ёлғон бино-тузумлари)нинг томи ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган-күтмаган тарафдан азоб-ҳалокат келди»

[Наҳл 26]

Келаётган яқин йилларда куфр дарахти заволга юз тутади. Чунки унинг заволга юз тутиш сабаблари унинг кучсиз илдизи ва жирканч шохларида мавжуддир...

Ушбу оятлардаги хитоб ҳар бир фикрли, эътиборли ва ақлли кишига қаратилгандир. Бу хитоб шундан иборатки: Эй ақл эгалари, эй тафаккур ва назар соҳиблари қаердасиз? Яхши сўз ёмон сўзга, фойдали, мевали яхши дарахт заарли жирканч ҳамда фойдасиз ва мевасиз дарахтга тенгми?!

Эй ақл, назар ва фикр соҳиблари мана шу Ислом, буниси эса куфрdir. Мана шу Ислом мабдаси, униси эса куфр мабдаларидир. Мана шу Ислом динининг одил ҳукмлари ва буниси куфрнинг золим ҳукмларидир. Мана шу куфр амаллари ва ундан келиб чиқаётган таъмагирлик ва очкўзлик... Буниси мусулмонларнинг раҳмат, хидоят ва тўғриликни етказишдаги амалларидир.

Ислом ўзининг ақидаси, ҳукмлари (илдизи ва баланд шохлари) билан ерга мустаҳкам ўрнашган, самога бўй чўзган кучли дарахтга ўхшайди... Ислом ўзининг кучли, ақлни қаноатлантирувчи ва буюк яратувчига боғланган ақидаси билан... ўзининг аҳкомлари, яъни мустаҳкам илдиздан униб чиқсан ва самога бўй чўзган, само яратувчисига боғланган шохлари билан... ўзининг раҳмати, тўғрилиги (адолати), кенг қамровлилиги ва мукаммаллиги билан асил дарахтга ўхшайди.

Бу дарахт мазкур сифатлари билан дунё ҳаётида инсонлар орасида доим ўз меваларини беради. Худди асил ва ширин дарахт одамларга доим ўз мевасини берганидек ва одамлар уни яхши кўрганидек Ислом дарахти одамлар орасида яхшилик, хидоят ва тўғриликни рўёбга чиқаради. Бу диннинг барча ҳукмлари яхши, ширин ва гўзалдир, одамлар бу диннинг ўзи ва ҳукмларини яхши кўрадилар. Аммо куфр ва унинг заиф асосдан келиб чиқсан ёки умуман асоси бўлмаган сўзлари заиф бўлиб, мустаҳкам эмасдир. Чунки у ақлни қаноатлантиrmайди ва инсон фитратига мос

келмайди. Унинг шохлари кучсиз, пастга эгилган, баланд эмас. Унда на мева бор, на яхшилик, бундан ташқари улар ўз кўрининиши ва тиконлари билан одамларга зарап беради. Аллоҳ Таоло оятларни ушбу қавли билан якунлади:

﴿يُبَيِّنُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْقَوْلِ الْثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ ﴾

﴿وَيَفْعُلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ﴾

(*Аллоҳ имон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устувор сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса, Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур*). Бу ерда устувор сўз имон дараҳтининг сифатидир. Залолат ва зулм эса, кучсиз ва жирканч бўлган куфр дараҳтининг сифати. Бу ердаги устувор-сабот дунёдаги сабот, ҳақда сабот билан туриш ва ҳақни маҳкам ушлашдир. Бу ҳақнинг соғлиги ва тўғрилигига бўлган тўла қаноатнинг натижасидир. Бу мўминнинг еру осмонни яратган яратувчисига алоқадор эканига бўлган қаноатнинг натижасидир... Лекин қаноати бўлмаган, ақидасида тўғри ақлий асоси бўлмаган ҳамда ўртача ечимга асосланган капиталистик низомга суюнган одам ҳақ устида сабот билан туралмайди...

Бу Ислом ва куфрнинг барча ишлар ва фурулар (хукмлар)даги мисолидир. Бу мусулмонни ҳақ динни маҳкам ушлашга чақиради...

Ояти карима тафсирини якунлар эканмиз, айтамизки: Ислом дараҳти ер юзидағи инсониятни баҳтсизлик, қийинчилик ва зулмдан халос этиш учун доим ўз меваларини берганидек, яна ўсиб осмонга қараб бўй чўзади. Куфр ва ёмонлик дараҳти эса, шубҳасиз завол топади... Бу Аллоҳ хоҳласа яқиндир.

﴿وَيَقُولُونَ مَنْ هُوَ قُلْ عَسَىٰ أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا﴾

«Ҳали улар: У (кун) қачон бўлур? деб (сўрайдилар). «Шоядки яқин бўлса», деб айтинг!»

[Исро 51] □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмінлар ҳеч шак-шубхасız оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Хендерсон: Шундай қилиб, саудиялик амирнинг дағн маросими ҳукмрон оиласидаги тарангликни намоён қилди		
<p>Форс Күрфази масалалари бўйича америкалик машхур эксперталардан бири ҳамда Вашингтон университетида «Кўрфаз дастури ва энергетика масалалари» директори америкалик таникли ёзувчи Саймон Хендерсон Вашингтон тадқиқотлар институтида таҳлилий ҳисобот нашр қилди. Ҳисоботда амир Талол ибн Абдулазизнинг дағн маросими манзараси, унда ҳукмрон саудлар оиласидаги хозирги зиддиятлар намоён бўлаётгани ҳамда «мамлакат раҳбариятида бўлиши мумкин бўлган ўзгариш вақти ва уларни қандай пайдо бўлгани» белгилари айтилади. Дағн маросими ҳақида сўз юритар экан, Хендерсон – бу шоҳона дағн маросими соҳтакорлик жиҳатидан худди Британия қироллик оиласи аъзоларининг рождество байрамига ўхшади, дейди. Лондон манзараси билан Риёз манзараси ўртасидаги ўхшашлик борлиги ҳақида изоҳ сифатида, Хендерсон бундай деди: «Сарик матбуот муҳбирлари икки шаҳзода Уильям билан Гаррининг Виндзордаги хотинлари Кейт билан Меганлар борасида суриштирув олиб бориб, бир-бири билан ҳеч қачон муроса қилишолмайди, дейилган бу икки хотиннинг жанжалларидан бирор нарса топишга уринишди». Саудия модели ҳақида Хендерсон «Саудия сиёсий даражада кўпроқ аҳамият касб этмоқда ва яқин орада мамлакат раҳбариятида ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги ва унинг қандай содир бўлиши ҳақида башоратлар мавжуд», деди.</p>		
<p>Хендерсон сўзини куйидагича якунлади: «Баъзан дағн маросимлари саҳналаштирилган бўлади. Дағн маросимлари бўлиши ҳақида кўпроқ олдиндан башорат ҳам қилинмоқда. Четга суриб кўйилган шаҳзода Талолнинг дағн маросими Саудиядаги 2019 йилги «тахт кураши»нинг маҳсус серияси бўлиши мумкин». Хендерсон бу билан айни номдаги машхур Америка сериалига ишора қиляпти.</p>		
Ал-Жазира канали янги АҚШ қонуни таҳдидига учради		
<p>АҚШ оммавий ахборот воситалари Америкада чиқарилган янги қонун сабабли Қатарнинг Кўшма Штатларда инглиз тилида фаолият олиб борувчи Ал-Жазира телеканалининг оёқ қўли кишланланиб қолгани, чунки қонунда каналнинг ўз молиявий амалиётларини очиқлашга мажбур қилингани, бу эса, каналнинг Қатар хукумати томонидан молиялаштирилувчи яширин фаолиятларига катта таъсир қилажаги ҳақида хабар қилинди.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Daily Beast» сайтида нашр қилинган мақолада Американинг айни янги қонуни, асосан, Россиянинг Кўшма Штатлардаги ахборот воситаларига қаратилгани, улардан Америка ичкарисидаги фаолиятларини шаффофлик билан олиб боришни талаб қилгани айтилади. Яна мақолада айтилишича, Республикачилар партияси аъзолари Ал-Жазира телеканалининг инглиз тили бўлимими баъзи «террорчи» жамоалар фаолиятига ва Қатар хукумати манфаатларига хизмат қилаётганликда айблашган. «Ал-Жазира» канали ўзини мана шу янги қонуннинг тузогига илингандай сезмоқда. Чунки бу қонун Кўшма Штатлардаги барча хорижий ахборот воситаларини ўзларининг молиявий амалиётлари ва барча фаолиятлари хақида Федерал алоқалар комиссиясига мунтазам ҳисобот бериб туришга мажбурлайди», дейилади мақолада. Мен бу қонуннинг Қатарга тегишли бошқа ахборот воситаларига ҳам, жумладан, «Middle East Eye» сайтига ҳам етиб боришидан умид қиласман, дейди комиссияга яқин бир манба. Бу эса, айни сайтнинг Қатарга тобе эканини, шу пайтга қадар у ўзини Британия сайти қилиб кўрсатишга уриниб келганини фош этмоқда».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Қатарга қарашли «Ал-Жазира» телеканалининг сиёсий ахборот роли кучайиб, каналлари кенгайиб кетди, ҳатто унинг ричаглари Ғарбга, шу жумладан, АҚШга ҳам кенг миқёсда таъсир қилиш даражасига етди. Зотан, сиёсатда Британияга эргашган ва фақат унга хизмат қиладиган «Ал-Жазира» бугун Англо-Америка ўртасидаги кураш куролига айланиб қолди... Америка Форс Кўрфази урушини ёритгани учун бу каналдан кўп зада бўлди ва Буш даврида унга зарба бериш билан таҳдид ҳам килган эди.</p>		
<p>Москва: Сурияга аралашибимиздан олдин унинг 92 % ери Асад назорати остидан чиқиб кетган эди, унда қўшинларимизнинг аксар қўмондонлари иштирок этган</p>		
<p>Россия Мудофаа вазирлиги баёнотида айтилишича, Суриядаги урушда 68 мингдан зиёд рус қўшинлари иштирок этган, уларга 460 нафар генерал турли ихтисослар бўйича раҳбарлик қилиб, аксари бригада қўмондони бўлган. Интерфакс агентлигининг вазирлик баёнотига таяниб хабар қилишича, Россиянинг Суриядаги ҳарбий амалиётларида қатнашганлар Россия ҳарбий кучларининг барча раҳбарлари, куруқлик кучлари қўмондонлари, ҳаво кучлари ва ҳаво мудофааси кучлари, ҳарбий бригада қўмондонлари, бригада ва полк қўмондонларини ташкил қиласми.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Вазирлик баёнотига кўра, «тактик ҳаво экипажларидан 86 %и, армия ҳаво экипажидан 91 %и, ҳарбий ҳаво транспорти экипажларидан 91 %и, стратегик ҳаво экипажларидан 6 %и Сурияда ўзларига юкланган вазифаларни амалда тажрибадан ўтказишга муваффақ бўлишган. 2015 йилнинг кузида руслар Сурияга киришган пайтда у ернинг 92 %и «террористик» жамоалар назорати остида бўлган. Россия Сурияда ўзининг 300 турдан ортиқ курол ва ҳарбий техникасини синовдан ўтказди. Масалан, Бешинчи турдаги «Су-57» қирувчи самолётлар, Панцирь С-2 зенит ракеталари, Терминатор-2 танклари, Уран-9 ҳарбий роботи каби.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу каби баёнотдан Россиянинг мусулмонларга қарши қанчалар душманлиги, уларни катли ом қилиш билан куролларини синаётгани кўриниб турибди. Россия айни жиноятларига мусулмонларнинг индамади, деб ўйлаётган кўринади. Йўқ, аксинча, бу зарбалари билан у мусулмонлар уйғонишини янада кучайтироқда. Эртага улар Россияга қонга-қон билан албатта жавоб қайтарадилар. Агар у сиёсий тентак давлат бўлмагандан, АҚШ жалб қилган урушга кирмаган бўларди.</p>		
<p>Юқори лавозимли масъул Кувайтдаги Британия базасининг Риёз билан бўлган зиддиятга алоқаси йўқлигини айтмоқда</p>		
<p>Кувайтда чиқадиган Рай газетасида айтилишича, ҳарбий ҳамкорлик хусусида икки томон ўртасида бир неча ой давом этган сўзлашувлар натижаси ўлароқ, Кувайт билан Британия ҳарбий денгиз базасини куришга келишишган. Газетада таъкидланишича, яқинда «Британия билан ҳамкорлик йўналиши қўмитаси» икки давлатнинг юқори лавозимли ходимлари иштирокида бир анжуман ўтказишни белгилаган. Анжуманда «Кувайт билан Британия ўртасида турли йўналиш бўйича алоқалар, асосан, барча соҳада икки томонлама ҳамкорлик» масалалари муҳокама қилинади.</p>		
<p>Газетада Британиянинг Кувайтдаги элчиси Майл Давенпортнинг «Кувайтда Британиянинг доимий ҳарбий жойлашуви Кувайт томонининг талаби асосида бўлмоқда», деган сўzlари келтирилади. Давенпорт яна бундай дейди: «Биз Кувайтнинг барча ҳарбий қисмлари билан доимий алоқадамиз. Келаси йил бошида ҳамкорликда ҳарбий машқлар ўтказишни режалаштиридик. Бундан ташқари, «Саҳро уруши», деб номланган йиллик машқларимиз ҳам бор. Бирлашган Қиролликдан Кувайтга ҳарбий машқ ўтказувчи гурухлар келиши кутилмоқда. Умуман,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
уларнинг сони келаси икки йил ичидә икки ёки уч баробарга кўпайиши кутилмоқда».		
<p>Британиянинг Би-Би-Си радиосига кўра, Кувайт Ташқи ишлар вазири ўринбосари Холид Жоруллоҳ, Британия кучларидан ёрдам сўраш билан Саудия томондаги чегаравий зиддият ўртасидаги боғлиқликни инкор этди. Кувайтлик бу расмий «кимлардир буни боғлаётгандир, боғлашса боғлайверсин, аммо биз уни боғламаймиз. Бизнинг Саудия мамлакатидаги биродарларимиз билан бўлган келишмовчилик ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликдир, мен буни тушунмовчилик, деб атаган бўлардим», деди. Яна қўшимча қилди: «Британия билан ҳарбий ҳамкорлигимиз, қадимдан мавжуд, бугуннинг маҳсули эмас. Кувайтда ишлар тобора ривожланиб, гулламоқда. Биз айни ҳамкорликни олқишлимиз, Бирлашган Қиролликдаги дўстларимизнинг икки давлат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш учун Кувайт ерида мавжуд бўлиб туришларидан фоят мамнунмиз».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Форс Кўрфази ҳумкдорлари ёмон аҳволда қолишган, ҳаммаси ўз тақдирларидан хавотирда, кундан-кунга Уммат душмани қучоғига ўзларини отишгани отишган. Агар бу малайлар Умматнинг бир бўлаги бўлишганда эди, улар ҳам Умматни бағирларига олишарди, Уммат ҳам уларни ўз бағрига олган бўлар эди. Аммо таажжубки, бу ҳукмдорлар ўзларидан ўзлари чўчиб яшашяпти.</p>		
<p>Бошқача ислом... Францияда аёл имомлик қиласидаги эркак-хотин аралаш намоз ўқиласидаги масжидлар</p>		
<p>Париждаги икки исломий жамият икки лойиҳа устида ишлайти. Бу эркак-хотин битта хонақода аралаш намоз ўқиласидаги, аёл киши имомлик қилиб, хутба ўқийдиган масжид қилиш лойиҳасидир. Бу худди Германияда содир этилгани каби, Исломни «илғор тарзда ўқиб-ўрганиш» доирасида олиб борилмоқда.</p>		
<p>Биринчи лойиҳани амалий магистратурада исломшунослик бўйича диссертация ёқлашга ҳаракат қилаётган талаба қиз Каҳина Баҳлул билан фалсафа фанлари профессори Фокир Куршон тақдим қилишди. Бу иккаласи ибодат жойининг «тузилма»сини ишлаб чиқишиди. Баҳлул бу лойиҳага қўл уришлари сабабини изоҳлар экан, «Биз масжидларнинг ҳозирги ҳолатига рози эмас эдик. Чунки ҳамма масжидлар жуда анъанавий исломни кўрсатмоқда, хатто</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>салафийликни ҳам кўрсатяпти. Шу билан бирга, улар ўта расмиятчиликка асосланган. Анъанавий матнларни ўқишини ўзгартиришга рухсат бермайди. Биз эса, Исломни бошқача шаклда талқин қилмоқчимиз», деди. Кейин «Кўпинча аёллар ибодатгоҳ бўлган бош хонақодан бошқа хонақога чиқариб юбориляпти. Аммо бизнинг «Фотима масжиди» лойиҳамиз ҳам эркакларни, ҳам аёлларни битта хонақода қабул қиласди. Намозда бир томонда эркаклар, бир томонда аёллар, лекин бир саф бўлиб турадилар», дега қўшимча қилди. Баҳдулла кўра, жума намозида эркак билан аёл навбатлашиб хутба ўқиши кўзда тутилган. Бу билан Францияда биринчи марта аёл киши намозда имом бўлади. Бундан олдин бу ҳол Германия, Дания ва Қўшма Штатларда амалга оширилган эди.</p>		
<p>Яна бундай дейилди: «Кўпчилик мусулмонлар дин билан янгича услугда шуғулланишни истайдилар-у, бироқ буни фақат китобларда ёки лекцияларда ифода этадилар, холос. Исломни фақат гапда ўрганишни бас қилиш вақти келди. Буни амалда ҳам кўрсата билишимиз керак. Замон ва маконга чекланмасликка қодир исломий таълимни намоён қилишга рагбат мавжуд». Лойиҳанинг рамзий тарзда амалга ошишига умид қилишаётган Баҳдул билан Фокир, айни дамда лойиҳа учун молиялаштирувчи қидирмоқдалар.</p>		
<p>Маълумки, 2017 йил июнда Берлинда эркак-хотин бир сафда туриб намоз ўқиладиган ҳамда замонавий исломга даъват қилинадиган либерал масжид очилган.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бугун биз Исломга ўйинчоқдек қаралаётган, шариатдан бехабар-авантюрачи бузук кимсалар томонидан динимиз қасдан ёмонотлик қилинаётган бир замонда қолдик.</p>		
<p>Терговчи Мюллernинг иши муддатини узайтириш қарори ва тергов якунлана бошлиётгани ҳақидаги тахминлар</p>		
<p>АҚШ президенти Доналд Трампнинг сайловолди кампанияси гурухи билан Россия ўртасида тил бириктирув бўлган, деган эҳтимол бўйича маҳсус прокурор Роберт Мюллер тергов олиб бораётган эди. Тергов жараёнида тузилган катта маҳфий жюри ҳайъатининг вазифаси муддати узайтирилганидан кейин терговнинг Оқ уй ихтиёрида қолиши кутилмоқда. Бу ишлар – Мюллер ўзининг кенг қамровли терговини тамомлаш арафасида, деган башоратлар манзарасида кечмоқда. Мюллер тергови давомида 33 шахсга, шу жумладан Трампнинг собиқ ёрдамчилари</p>		


бүлгап уч кишига айблов құзгатилған. Улардан етти киши айбига иқрор бүлган ва бир кишига ҳукм чиқарылған. Бу каби катта жюри хайъати вазифаси одатда 18 ой давом этар, муддат чўзилиши керак бўлса фақат бир йилга чўзилар эди. Шуни айтиб ўтиш ўринлики, тергов жараёни қаттиқ сир сақланмоқда. 2016 йилги президентлик сайлови кампаниясида Трамп гурӯхи билан Россия ўртасида ҳамкорлик бўлган, деган тахмин асосида олиб борилган мазкур тергов қурбони шахсан Трамп бўлиши ва унинг судга тўсқинлик қилиши ҳам мумкинлиги ҳақида айтиб келинган.

Аввалроқ, америкалик тарихчи ва сиёсатшунос Аллан Лихтман «Агар натижалар етарлича кучли бўлса, демократлар (Трампни) ишдан бўшатиш масаласида тергов олиб боришини талаб қиласди», деди. Сўнг «Демократлар бундан қочмасликлари керак. Чунки бу конституцион бурч бўлиб, уни юрт муассислари конституцияда ишлаб чиқсан ва у орқали қонуний, мунтазам ва тинч воситалар ёрдамида мана шу ҳолатлар билан шуғулланишимиз мумкин», дея қўшимча қилди.

Ўтказилған сўровлар шуни кўрсатдики, аксар америкаликлар Трампни ишдан бўшатиш керак ёки энг камида, расман Конгресс назорати остида ушлаб туриш керак, дейишиди. Америкада чиқадиган «The Hill» газетасига кўра, 59 % киши буни амалга ошиши кераклигини билдиrsa, 41 фоиз киши Конгресс президентга қарши ҳеч қандай чора кўрмаслик керак, деган.

Ал-Ваъй: Тарих мобайнида инсоният фикри олиб келган энг ёмон нарса демократиядир. Бугун бундан ҳам ёмони демократия раҳбарларидир. Аслида, америкаликлар Трампни ишдан олишлари шарт эмас, балки капиталистик тузум, деган нарсани ҳаётдан йўқ қилсалар, шунинг ўзи кифоя. Чунки ҳамма нарсага бало мана шу тузумдир. □

ҚУРЬОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿ تِلْكَ الْرُّسُلُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَنَّ كَلَمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضُهُمْ دَرَجَتٍ وَءَاتَيْنَا عِيسَى اُبْنَ مَرْيَمَ الْبَيْتَنَتْ وَأَيَّدَنَهُ رُوحُ الْقُدُسِ وَأَنَّ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمُ الْبَيْتَنَتْ وَلَكِنْ آخْتَلُفُوا فَمِنْهُمْ مَنَّ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَنَّ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلُوْا وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعُلُ مَا يُرِيدُ ﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا يَبْعِثُ فِيهِ وَلَا خَلَةٌ وَلَا شَفَعَةٌ وَالْكَفَرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴾

«253. Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак дараҷаларга кўтарди. Исо бинни Марямга ҳужжатлар бердик ва уни Руҳул-қудс (Жаброил) билан қувватлантиридик. Агар Аллоҳ хоҳлагандага у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофиirlар ҳам. Агар Аллоҳ хоҳлагандага уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлагандаги ишини қиласди. 254. Эй мўминлар, на олди-сомди, на ошна-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган кун келишидан илгари ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эҳсон қилинглар! Кофиir бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир» [Бақара 253-257]

Хизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қўйидагича келади:

Аллоҳ Таоло бу оятларда қўйидагиларни баён қиласди:

1 – Аллоҳ Таоло ўтган

﴿تِلْكَ ءَايَةُ اللَّهِ تَنَزُّلُهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

«(Эй Мұхаммад) булас Аллоҳнинг оятлари дидир. Уларни Сизга ҳаққиност тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз пайғамбарлардан дандирсиз» [Бақара 252]

деган оядта Ўзи нозил қилган оятлар ва хукмлар Пайғамбар ғыннинг ҳақлигига, у кишининг пайғамбарлыгига далолат қилиши ҳақида гапирган бўлса,

﴿تِلْكَ الْرُّسُلُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

(Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик), деган бу оядта Аллоҳнинг пайғамбарлари уларнинг ҳақлигига далолат қилувчи ояларнинг нозил қилиниши, нозил қилинган шариатларнинг хилма-хиллиги эътибори билан айримлари айримларидан афзал бўлиши ҳақида гапиряпти. Улардан айримлари билан Аллоҳнинг Ўзи сўзлашган, айримларига вахи юборган, айримларини фақат ўз қавмига юборган бўлса, яна бошқасини ҳамма одамларга юборган. Бирининг пайғамбарлыгига аломат-белги сеҳргарларнинг сехри бекор қилиниши бўлса, яна бирига касалнинг шифо топиши, яна бошқасига эса ҳаммани ожиз қолдирган Қуръон бўлди.

Шунингдек Аллоҳ Таоло Ўзининг бандалар устидан Фолиб эканини, Ўзининг мулкида бирон бир ҳодиса У Зотнинг иродасисиз бўлмаслигини баён қиляпти.

Пайғамбарларининг ҳақлигига далолат қилгувчи аломат-белгиларни кўрганларидан кейин ҳам уларга қарши чиққан, пайғамбарлардан кейин бир-бири билан урушган кимсалар бу ишларини Аллоҳнинг иродасига қарши тарзда қилмаганлар. Улар бу ишларини ўз ихтиёрлари билан қилганлар ва айни пайтда улар Яратувчининг иродасига қарши тарзда амалга ошмаган. Зеро, агар Аллоҳ истаганида уларни ҳидоят топган қилиб яратарди, улар ҳеч качон пайғамбарларига қарши бормасдилар. Лекин Аллоҳнинг ҳикмати пайғамбарлар орқали одамларга яхшилик нимаю ёмонлик нималигини баён қилиб, кейин уларни ўз ихтиёрларига ташлаб қўйишни тақозо этди. Истасалар, яхшиликни танласинлар ва Аллоҳдан савоблар олсинлар. Истасалар, ёмонликни танласинлар ва Аллоҳнинг жазосини, азобини олсинлар. Модомики, улар ўз ихтиёрлари билан иш қилаётган эканлар, қилган ишларидан масъуль бўладилар.

Шу ерда икки ишни қайтадан шархлаб ўтишимиз зарур. Уларни юкорида шу тафсир китобимизда айтиб ўтгандик. Лекин улар эътиборли бўлгани туфайли яна бир бор такрорлаб ўтамиз.

а) Банда бирор ишни Аллоҳнинг иродасига қарши ўлароқ ёки Аллоҳни мажбурлаб қила олмайди. Банданинг ишлари Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бўлади, деган гапнинг маъноси mana шу. Яъни, банда Аллоҳни мажбурлаб бир иш қила олмайди, дегани у ҳамма ишни Аллоҳнинг розилиги билан қиласиди, дегани эмас. Масалан, фалончи Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан ўғирлик қилибди, дегани Аллоҳни мажбурлаб ўғирлик қилибди, дегани ҳам эмас, айни пайтда Аллоҳнинг розилиги билан қилибди, дегани ҳам эмас. Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси, деган иборанинг шаръий маъноси бор. Яъни, бу ибора Аллоҳнинг мулкида бирор иш Аллоҳ мажбур бўлиб қолгани холда юз бермайди, аксинча, ҳамма иш Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан юз беради, деган маънони англатади. Унинг луғавий маъносига келсак, ирода қилди ёки хоҳлади, дегани рози бўлди, дегани эмас.

б) Банда ўзининг барча ихтиёрий ишларига жавобгардир. Яхши бўлса, мукофотини олади, ёмон бўлса жазосини олади.

﴿كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ﴾

«Ҳар бир жон ўзи (ҳаёти-дунёда) касб қилган амали сабабли (дўзахда) ушлангувчидир» [Муддассир 38]

﴿لَيْسَ بِأَمَانَيْكُمْ وَلَا أَمَانَيْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَن يَعْمَلُ سُوءًا تُجْزَ بِهِ وَلَا تَجْدُ لَهُ مِن دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا وَمَن يَعْمَلُ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِن ذَكَرٍ أَوْ أُثْنَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ﴾

﴿فَأَوْتَيْكَ يَدُ خُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا﴾

«Сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, аҳли китобнинг хомхаёллари ҳам ҳақ эмас — кимки ёмон амал қиласа, жазосини олур ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қиласа, ана ўша кишилар жаннатга киурлар ва уларга заррача зулм қилинмас» [Нисо 123-124]

Шундай қилиб, пайғамбарларнинг пайғамбарлигини тасдиқловчи оят-аломатлар келганидан кейин ҳам мўмин ва коғирга ажralиб кетганлар имон ёки куфрни танлаганларига жавобгардирлар ва қилмишларига яраша жазо ёки мукофот оладилар. Имон аҳли жаннатга киради, куфр аҳли эса дўзахга.

Лекин уларнинг имон ёки куфрни танлашлари Аллоҳнинг иродасига қарши борилган ҳолда ёки Аллоҳни мажбурлаган ҳолда юз бермайди. Негаки, агар Аллоҳ истаса, уларни бундай хилмаликликдан қайтариб, ҳаммасини хидоят устидаги битта уммат қилиб қўйган бўларди.

Лекин Аллоҳнинг ҳикмати бундан бошқа нарсани тақозо этди. Аллоҳ олдин одамларга пайғамбарларни юбориб, улар орқали оятларни баён қилиб, уларга қарши ҳужжатни тайёрлаб қўйди, ундан кейин куфр ёки имонни танлашни уларнинг ўз ихтиёларига қўйиб берди ва уларга танловларига қараб савоб ёки жазо беради. Аллоҳ Ўзи истаган ишни қиласди.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَفْتَنُوا وَلِكُنَّ اللَّهَ يَفْعُلُ مَا يُرِيدُ﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлагандо уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қиласди).

﴿تِلْكَ آئُرُسُلُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашиди» [Нисо 164] Муҳаммад ﷺ ваҳини Жаброил ﷺ олиб келди.

﴿وَكَمَ الَّهُ مُوسَى تَكَلِّمًا﴾

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашиди» [Нисо 164] Муҳаммад ﷺ ваҳини Жаброил ﷺ олиб келди.

﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِّجِرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душманdir). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингиизга Қуръонни нозил қилди» [Бақара 97]

Олдинги пайғамбарлар фақат ўз қавмларига юборилган бўлсалар, Муҳаммад ﷺ ҳамма одамларга юборилдилар.

«أُغْطِيْتُ حَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ مِّنْ قَبْلِيِّ: كَانَ كُلُّ نَبِيٍّ يُرْسَلُ إِلَىٰ قَوْمِهِ خَاصَّةً وَبَعْثَتْ إِلَىٰ كُلِّ أُمَّهٍ وَأُؤْسِدِ، وَجَعَلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَ طَهُورًا، وَأُغْطِيْتُ الشَّفَاعَةَ، وَنُصِرْتُ بِالرُّغْبِ مَسِيرَةً شَهِيرًا وَأَحَلْتُ لِي الْعَنَائِمَ وَمَ تُحَلَّ لِأَحَدٍ مِّنْ قَبْلِيِّ»

«Мендан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарса менга берилди. Ҳар бир пайғамбар ўзининг қавмигагина юборилар эди. Мен қизил танлигу қора танликка, ҳаммага юборилдим. Менга ер саждагоҳ ва пок қилиб берилди. Менга шафоат (қилиш хукуки) берилди. Бир ойлик масофадан туриб,

(душманимнинг ичига) қўрқув тушиши билан нусратландим, мададландим. Менга ўлжалар ҳалол қилинди. Мендан олдин ҳеч кимга (ҳеч бир пайғамбарга) ҳалол қилинмаганди».¹

﴿تَلَكَ الْرُّسُلُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

(Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзal қилдик), ояти

﴿لَا تُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهِ﴾

«Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз»

[Бақара 285]

оятига ҳам

﴿لَا تُفَضِّلُوا بَيْنَ أَنْبِيَاءِ اللَّهِ﴾

«Аллоҳнинг пайғамбарларини ажратманглар (бирини иккинчисидан ортиқ кўрманглар)»,² деган ҳадисга ҳам зид эмас.

Негаки, луғатда фазл нуқсоннинг антоними, зидди. Ким кимдан қайси бир ишда ортиқ бўлса, афзал хисобланаверади. Масалан, ризқ борасида.

﴿وَاللَّهُ فَضَّلَ بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الْزِرْقِ﴾

«Аллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди» [Наҳл 71]

Демак, афзаллик қандайдир бир ишдаги ортиқлиkdir. Бошка ишда эса бошқаси афзал бўлиши ҳам мумкин.

Пайғамбарлар пайғамбарликлари жиҳатидан бир-бирларидан ортиқ-кам эмаслар.

﴿لَا تُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهِ﴾

«Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз»

деган оят ва

﴿لَا تُفَضِّلُوا بَيْنَ أَنْبِيَاءِ اللَّهِ﴾

«Аллоҳнинг пайғамбарларини ажратманглар (бирини иккинчисидан ортиқ кўрманглар)» деган ҳадис мана шу маънода. Лекин улардан бирини Аллоҳ Таоло қайсиdir бир ишда ортиқ қилди. Бошқасини бошқа ишда ортиқ қилди.

﴿تَلَكَ الْرُّسُلُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

⁽¹⁾ Бухорий: 323. Муслим: 810.

⁽²⁾ Бухорий: 3162. Муслим: 4376.

(Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик).

﴿وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ الْأَنْبِيَاءَ عَلَىٰ بَعْضٍ وَّإِذَا تَبَيَّنَ لَهُمْ دَأْوُرَدْ زَبُورًا﴾

(Ҳақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Хақиқатан, Биз айрим пайғамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺ-дан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

(Агар Аллоҳ хоҳлагандан у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам) яъни, уларнинг уруш қилишлари Аллоҳнинг иродасига қарши чиқа олганларидан ёки Аллоҳни мажбур қила олганларидан бўлмади. Зеро, Аллоҳ уларни уруш қилишдан қайтаришга қодир. Лекин Аллоҳ уларнинг ўз ихтиёрлари билан иш қилишларига қўйиб берди. Бас, улар ихтилоф қилишиб уришишди. Кимdir имон келтирди, кимdir кофир бўлди.

﴿وَلِكِنْ أَخْتَلُفُوا﴾

(Аммо улар ихтилоф қилдилар) иборасининг ишлатилиши мана шу ихтилофлари уларнинг уришишларига сабаб бўлганини кўрсатади.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلُوا﴾

(Агар Аллоҳ ҳоҳлаганда уришишмаган бўлардилар) олдинги оятда айтилган Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг иродасисиз ҳеч иш бўлмаслигини таъкидлаяпти.

Бу таъкид шунчаки такрорнинг ўзи эмас. Унда арабларнинг гапириш услубларига мувофиқлик бор. Фасих араб тилида бир иш айтилиб, унинг ортидан бошқа бир иш айтилиши зарурати туғилиб қолса ва айтилса, шундан кейин яна ўша биринчи ишга ўтилмоқчи бўлинса, у яна бир марта такрорланади. Хуллас, гапнинг узилиб қолган жойи билан улаш учун биринчи гапнинг ўзи ёки унинг қабилидаги бошқа бир гап такроран айтилади.

Бу Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшайди:

﴿مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمِئِنٌ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ﴾

﴿وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدَرَ﴾

«Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). Лекин ким қалби имон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса»

[Наҳл 106]

Гапнинг бошланиши имон келтирганидан кейин яна кофир бўлган кимса устида боряпти. Кейин мажбурланиш ҳолати айтиляпти. Ундан кейин эса оят бошланишдаги гапни охирига етказяпти.

﴿وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدَرَ﴾

«Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса»

[Наҳл 106]

Бу оятда ҳам худди шундай бўляпти. Аллоҳ Таоло олдин бажарилишнинг Ўз иродасига боғлиқлигини айтяпти.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ﴾

(Агар Аллоҳ ҳоҳлаганда у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар уришишмаган бўлардилар) кейин уларнинг ихтилоф қилганларига ўтаяпти. Ундан кейин эса яна бошдаги гапга қайтяпти.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلَهُمْ﴾

(Агар Аллоҳ ҳоҳлаганда уришишмаган бўлардилар) бу араб тилининг энг етук, фасих услубидир.

(لَكِنَّ اللَّهَ يَفْعُلُ مَا يُرِيدُ) лекин Аллоҳ Үзи хоҳлаган ишини қиласи)

хар қандай нуқсондан пок Аллоҳни ҳеч нарса ожиз қолдира олмайди, Унинг ҳукмини рад қилувчи йўқ.

﴿وَإِذَا قَضَى أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«Бирор ишни ҳукм қилса унга фақатгина «Бўл» дейди, холос. Бас, у иши бўлади» [Бақара 117]

2 – Аллоҳ Таоло ўтган оятда умматларнинг аҳволини, ихтилоф қилганларини, мўмин коғирга ажралганларини баён қилганидан кейин кейинги ояларда мўминлар ва коғирларга тегишли айrim ишларни айтиб ўтяпти. Имон келтирган зотлар закотни охиратларини обод қилиш учун берадилар. Зеро, охиратда орттирган моллари ҳам, дўстлари ҳам аскотмайди. У пайтда фақат қилган яхши амалларигина аскотади. Фақат Аллоҳ изн берганларгина шафоат қила оладилар ва шу билан нажот топгувчилар сафидан жой оладилар.

Коғирлар эса, ишни ва нарсани ўз ўрнига қўймаган, ўз ўрнида ишлатмаган золимлардир. Улар ўзларини яратган Зотга куфр келтирдилар. Шайтоннинг қадамларига эргашдилар. (Шайтоннинг изидан эргашдилар). Натижада қилган ёмон ишлари уларни ҳалокатга олиб борди.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَّا نَفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ﴾

(Эй мўминлар, ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эҳсон қилинглар!). Бу мўминларга қаратилган хитоб. Унда инфоқ қилиш талаб қилиньяпти.

﴿مَنْ قَبْلَ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعُ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَعَةٌ وَالْكَفَرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

(На олди-сомди, на ошна-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган кун келишидан илгари. Коғир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир) қаттиқ ваид. Бу талабнинг қатъийлигига қаринадир.

Яъни, бу муборак оятда талаб қилинаётган инфоқ фарздир. У закотдир. Ундан мақсад нафл садақа эмас.

﴿لَا بَيْعُ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَعَةٌ﴾

(На олди-сомди, на ошна-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган) бу ердаги (ع) сўзи лайса сўзининг ишини қиласи. Бу ҳолатда умумий нафий бўлиши ҳам, умумий бўлмаган нафий

бўлиши ҳам мумкин. Демак, у муташобиҳ. Лекин у фатҳага мабний қилиниб ҳам ўқилган. Бу ҳолатда у фақат умумий нафийнигина ифодалайди. Бу жиҳатдан у мухкамдир.

Ҳар икки қироат ҳам мутавотир, маъно эса бир. Мухкам муташобиҳни босиб кетади, деган қоидага кўра, бу ердаги нафий умумий бўлади, яъни, у кунда хеч қандай савдо ҳам, дўст ҳам, шафоат ҳам фойда бермайди.

Бу ердаги нафийнинг умумийлигини дўст ва шафоатни хослаб келгани ҳам таъкидлайди. Қайсиdir бир сўз хосланиб келибдими, демак, у олдин ом, умумий бўлган. Дўстлар сўзи Аллоҳ Таолонинг

﴿الْأَخِلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌ إِلَّا الْمُتَّقِينَ﴾

«У Кунда дўстлар бир-бирларига душманdir, магар (Аллоҳ ўйлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар)»

[Зухруф 67]

деган гапида хосланяпти. Шафоат эса Аллоҳ Таолонинг

﴿يَوْمَئِذٍ لَا تَنْفَعُ الْشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَذْنَ لَهُ الْرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا﴾

«У Кунда оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишиигагина (фойда берур)» [Тоҳа 109]
деган гапи ва

«**أَعْطِيَثُ الشَّفَاعَةَ**»

«Менга шафоат (қилиш ҳуқуқи) берилди»,¹ деган ҳадис билан хосланяпти.

У кунда фақат тақводорларгина дўстлик қила оладилар. У кунда фақат меҳрибон Зот изн берган кимсагина ва Пайғамбар ғигина шафоат қила олур.

(Хл.) сўзи чин дўстликни англатади. АРАЛАШИШ МАЬНОСИННИНГ дўстликка дахли борлиги шундаки, дўстлар орасида сирлар аралашиб юради.

﴿وَالْكَفَرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

(Коғир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир) яъни, коғирлар ишларни, нарсаларни ўз ўрнига қўймайдилар, ўз ўрнида ишлатмайдилар, Яратувчига куфр келтирадилар, махлукларга куллук қиласидилар, Аллоҳга ширк келтирадилар, Холикнинг шариати ўрнига махлукнинг шариатини қўядилар. Шу ишлари билан улар золимлардир. □

⁽¹⁾ Бухорий: 313. Муслим: 810.

МАЗЛУМНИНГ ДУОСИДАН САҚЛАНИНГЛАР

– Жобир ибн Абдуллоҳ رضдан ривоят қилинади:
 Росулуллоҳ رض бундай дедилар:

«أَتَقُوا الظُّلْمَ، فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلْمٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Зулмдан қўрқинглар. Зеро, зулм қиёмат кунидаги зулматларданdir». (Муслим ривояти).

– Анас ибн Молик رض ривоят қиласи: Росулуллоҳ رض бундай дедилар:

«أَنْصُرْ أَخَاهُكَ ظَالِمًاً أَوْ مَظْلُومًاً. فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنْصُرْهُ إِذَا كَانَ مَظْلُومًاً، أَفَرَأَيْتَ

إِذَا كَانَ ظَالِمًاً، كَيْفَ أَنْصُرُهُ؟ قَالَ: تَحْجُزُهُ أَوْ تَمْنَعُهُ مِنَ الظُّلْمِ، فَإِنَّ ذَلِكَ نَصْرُهُ»

«Биродарингга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам бер. Шунда бир киши – ё Росулуллоҳ, мазлум бўлса ёрдам бераман, тўғри, аммо золим бўлса қандай ёрдам бераман, деб сўради. Росулуллоҳ, Уни зулмдан тўсасиз ёки қайтарасиз, мана шу унга ёрдам беришдир, дея жавоб бердилар». (Бухорий ривояти).

– Абу Зар رض ривоят қиласиди, Набий صلی اللہ علیہ و آله و سلّم Аллоҳ Таолонинг бундай деганини айтадилар:

«يَا عَبْدِي، إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي، وَجَعَلْتُهُ بَيْتَنَّكُمْ حُرْمَمَاً، فَلَا تَظَالَمُوا»

«Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. Шунингдек, ораларингда зулм қилишни ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирингизга зулм қилманглар». (Муслим ривояти).

– Бизга Муаммар Қатодадан ёки Ҳасандан – ёхуд иккаласидан – ривоят қиласи: «Зулм уч хилдир: биринчиси: кечирилмайдиган зулм. Иккинчиси: (Аллоҳ) жазосиз қолдирмайдиган зулм. Учинчиси: кечириладиган зулм. Кечирилмайдиган зулм ширкдир. Жазосиз қолдирмайдиган зулм эса, бу бандаларнинг бир-бирларига қилган зулмларидир. Кечириладиган зулм эса, банданинг ўзи билан Парвардигори ўртасида қиладиган зулмидир.

«وَاتَّقِ دُعَوةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ»

«Мазлумнинг дуосидан сақлан. Чунки мазлум билан Аллохнинг ўртасида парда йўқдир!». (Бухорий ривояти).

– Музнинг ҳадисларидан бирида Абу Ҳурайра رض Набий صнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«ثَلَاثُ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابٌ لَا شَكَ فِيهِنَّ: دَعْوَةُ الْوَالِدِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ»

«Уч дуо борки, ҳеч шубҳасиз қабул қилинажак: Отанинг дуоси, мусофирининг дуоси ва мазлумнинг дуоси». (Абу Довуд ривояти).

– Абу Ҳурайра رض ривоят қилади:

«ثَلَاثَةٌ لَا تُرْدُ دَعْوَتُهُمْ: الصَّائِمُ حَتَّى يُفْطَرُ، وَالْإِمَامُ الْعَادِلُ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ يَرْفَعُهَا اللَّهُ فَوْقَ الْعَمَامِ، وَيَفْتَحُ لَهَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ، وَيَقُولُ الرَّبُّ وَعَرَّيَ لِأَنْصُرَكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينَ»

«Уч киши борки, дуолари рад этилмайди: Рӯздор то ифтор қилгунича ҳамда одил имом-халифанинг ва мазлумнинг дуоси. Аллоҳ мазлумнинг дуосини булутлар оша кўтариб, у учун само дарвозаларини очиб қўяди. Роббим айтадики, Ўзимнинг куч-кудратим ҳаққи, бу мазлумга – бир оз вактдан кейин бўлса ҳам – албатта ёрдам бераман, дейди». (Термизий ривояти).

– Абу Ҳурайра ривоят қилади: Росулуллоҳ صلی اللہ علیہ وآلہ وسلم бундай дедилар:

«دَعْوَةُ الْمَظْلُومِ مُسْتَجَابَةٌ وَإِنْ كَانَ فَاجِراً، فَفَجُورُهُ عَلَى نَفْسِهِ»

«Мазлумнинг дуоси – ҳатто мазлум фожир бўлса ҳам – мустажобдир. Чунки унинг фожирлиги ўзигадир». (Аҳмад ривояти).

– Росулуллоҳ صلی اللہ علیہ وآلہ وسلم бундай дедилар:

«اَنْقُوا دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ وَإِنْ كَانَ كَافِرًا، فَإِنَّهُ لَيْسَ دُونَهَا حِجَابٌ»

«Мазлум коғир бўлса ҳам, унинг дуосидан сақланинглар. Чунки (Аллоҳ билан) унинг дуоси ўртасида парда бўлмайди». (Аҳмад ривояти).

– Абу Ҳурайра رض ривоят қиладики, Набий صнинг бундай дедилар:

«ثَالِثَةٌ أَنَا حَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: رَجُلٌ أَعْطَى بِي ثُمَّ غَدَرَ، وَرَجُلٌ بَاعَ حُرًّا فَأَكَلَ ثُمَّهُ، وَرَجُلٌ اسْتَأْخَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ وَلَمْ يُعْطِ أَجْرَهُ»

«Киёмат куни мен уч кимсанинг душмани бўламан: менга ваъда бериб, сўнг хиёнат қилган кимсанинг, озод инсонни сотиб, пулини еган кимсанинг, ишчини ишга ёллаб, ундан фойдаланиб, ҳаққини бермаган кимсанинг». (Бухорий ривояти).

— Росууллоҳ ﷺ

«أَتَدْرُونَ مَا الْمُفْلِسُ، قَالُوا: الْمُفْلِسُ فِينَا مَنْ لَا دِرْهَمَ لَهُ وَلَا مَتَاعٌ، فَقَالَ: إِنَّ الْمُفْلِسَ مِنْ أُمَّتِي مَنْ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِصَلَوةٍ وَصِيَامٍ وَرَزْكًا، وَيَأْتِي قَدْ شَتَّمَ هَذَا، وَقَدَّفَ هَذَا، وَأَكَلَ مَالَ هَذَا، وَسَلَّكَ دَمَ هَذَا، وَضَرَبَ هَذَا، فَيُعْطَى هَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، وَهَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، فَإِنْ فَيَبْتَحِ حَسَنَاتُهُ قَبْلَ أَنْ يُفْضَى مَا عَلَيْهِ، أَحَدٌ مِنْ خَطَايَاهُمْ وَطَرَحَتْ عَلَيْهِ حَسَنَاتِهِ، فَإِنْ طَرَحَ فِي النَّارِ

«Муфлис-абгор кимса ким биласизларми, деб сўрадилар. Муфлис сариқ чақаси ҳам қолмаган кишидир, деб жавоб қилишди. Ул зот дедилар: Умматим орасидаги муфлис қиёмат кунидаги намоз, рўза, закот амаллари билан борган бўлади-ю, аммо шунинг баробарида фалончини сўккан, пистончининг молини еган, пўкинчининг қонини тўккан, яна биронни урган бўлади. Шунда унинг савоб амалларидан олинниб, фалончи ва пистончиларга берилади. Агар унинг бўйнидаги қарзи адo этилмасидан олдин савоб амаллари тугаб қолса, ўшаларнинг гуноҳ амаллари олинниб, унга илинада, сўнг дўзахга ташланади». (Муслим ривояти). □

УЛАРНИНГ ҲИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ: АБУ АЙЮБ АНСОРИЙ

(Константинопол деворлари остига
дафн этилган саҳобий)

Ушбу буюк саҳобийнинг исми шарифи Холид ибн Зайд ибн Кулайб, куняси Абу Айюб, мансублиги ансорийлардандир.

Азиз мусулмонлар, ким ҳам орамизда Абу Айюб Ансорийни танимайди, албаттa яхши таниймиз!

Аллоҳ Таоло Абу Айюб Ансорий номини Ғарбу Шарққа ва бутун инсониятга нега машхур қилди. Чунки Аллоҳ бошқа мусулмонлар хонадонини қўйиб, унинг хонадонини танлади, яъни, сарвари олам Набий ﷺ Мадинага ҳижрат қилганларида Абу Айюб хонадонига қўндилар... Мана шунинг ўзи Абу Айюб учун юксак фаҳр бўлди. Зеро, Росулуллоҳ ﷺнинг Абу Айюб хонадонида бўлишлари тилларда тинмай такрорланган ширин ва тароватли ҳикояяг айланган.

Дарҳақиқат, Набий ﷺ Мадинага етиб борганларида шаҳар аҳли ул зотни ҳар қандай меҳмондан ҳам азиз-мукаррам меҳмон сифатида кутдилар... Худди суюкли инсон суюкли инсонни кўзлари тўрт бўлиб кутгандек соғинч билан кутдилар... Ул зотга қалбларини кенг очиб, юраклари тўридан жой бердилар. Уйлари эшикларини лант очиб, қадам ранжида қилиш билан хонадонларини баракотли қилишларига умид қилдилар.

Лекин Росулуллоҳ ﷺ тўрт кун Мадина чеккасидаги Қубода қолдилар ва шу орада тақво устига бино бўлган ilk масжидни бино этдилар.

Сўнг Росулуллоҳ ﷺ Кубодан туяларига миниб йўлга чиқдилар. Ул зотнинг туясини Ясриб саййидлари қаршилашди. Ўз уйига Росулуллоҳ ﷺнинг қўнишлари шарафига ноил бўлиш илинжида туяни бири қўйиб-бири ушлаб, «Ё Росулуллоҳ, бизнигiga қўнинг, истаганингизча бизнинг таъминотимиз ва химоямизда бўлинг», дейишар эди. Шунда Росулуллоҳ уларга «Туямни қўйиб юборинглар, у буюрилган», дедилар. Росулуллоҳ туялари барчанинг кўзини ўзига ром қилиб, юракларни орзиқтириб, йўлида давом этди... Бир хонадонни босиб ўтиш билан унинг аҳлини маҳзун қилиб, ҳафсалаларини пир қилса, келаси хонадон дилларида умид чироғини ёқди... Туя шу тарзда давом этди, одамлар баҳт кулиб боқадиган хонадон соҳиби ким бўлажагини кўришга қизиқиб тия ортидан эргашдилар... Ниҳоят, туя Абу Айюб Ансорийнинг уйи ҳовлиси олдига етди ва ўша ерга чўқди. Аммо Росулуллоҳ ﷺ туядан тушмадилар. Туя эса, қайта силкиниб туриб,

яна юришни давом эттирмокчи эди, Росууллоҳ тизгинини қўйиб юбордилар. Кейин кўп вақт ўтмай, қайтиб аввалги ерга бориб чўкди. Ана шундан кейингина Абу Айюб Анзорий кўнгли шодликка тўлди, Росууллоҳ га чопиб бориб, нарсаларини қўлига олди, гўё у икки қўлида бутун дунё хазинасини кўтариб кетаётгандек хурсандлик билан уларни уйига олиб кирди.

Абу Айюбнинг уйи қия шифтли болаҳонали бир қаватли эди. У болаҳонадан оиласининг ҳамма майда-чуйдаларини йиғиштириб, Росууллоҳга бўшатиб берди. Аммо Росууллоҳ пастки қаватни афзал билган эдилар. Абу Айюб Росууллоҳга итоат қилди ва ул зотнинг ўзлари истаган ерга жойлаштириди. Кеч киргач ва Набий жойга ётганларидан сўнг, Абу Айюб аёли Умму Айюб билан болаҳонага кўтарилди. Болаҳона эшигини ёпар-ёпмас, шошилиб аёлига боқди ва «Ээ, нима қиляпмиз ўзи, ўзимиз юқорига чикиб олиб, Росууллоҳ ни пастда қолдирамизми, Росууллоҳ нинг тепаларида юрамизми, ул зот билан ваҳи ўртасида турамизми, бундай қилсак, ҳолимизга вой бўлмайдими?! Эр-хотин нима қилишни билмай қолдилар...» Кейин Росууллоҳ нинг қоқ тепасида турмай, болаҳонанинг четига ўтиб, девор бўйлаб юришга, ўртасига ўтмасликка қарор қилишди, ана шундагина эр-хотиннинг кўнгли бир оз таскин топди. Тонг отгач, Абу Айюб Набий га «Аллоҳ ҳаққи, бу кеча мижжа қоқмадик, менинг ҳам, аёлим Умму Айюбнинг ҳам уйқумиз келмади», деди. Росууллоҳ «Нимага бундай бўлди, Абу Айюб», дея сўрадилар. Абу Айюб «Мен тепада, сиз эса пастда бўлсанам, у ёқ-бу ёққа қимирлаганимда, устингизга чанг тўкилиб, озор етармикин, қолаверса, мен сиз билан ваҳи ўртасига туриб оламан, деб ўйладим», деди. Шунда Росууллоҳ бундай дедилар: «Тинчланинг, буни жиддий қабул қилманг. Бизга пастни бериш билан яхшилик қилинг. Чунки бизнинг олдимизга келувчилар кўп бўлади».

Абу Айюб айтади: «Мен Росууллоҳ нинг буйруқларига итоат қилдим. Ўша куни кечқурун болаҳонада сув тўлдирилган катта хумимиз синиб кетди... Росууллоҳ нинг устиларига оқиб тушмаслиги учун дарҳол аёлим билан бирга сувни йиғиштиришга тушдик, биттаю-битта ёпинчиғимиз бор эди ўшанга сувни шимдирдик. Тонг отгач, Росууллоҳ нинг олдиларига тушиб, «ота-онам тасаддуқ Сизга ё Росууллоҳ, мен тепангизда бўлишини, сиз пастимда бўлишингизни ҳеч истамаяпман», дедим ва хумнинг синиши ишини айтиб бердим. Шунда ул зот илтимосимни қабул қилиб, юқорига чиқдилар, мен аёлим билан пастга тушдик».

Набий ﷺ Абу Айюб хонадонида олти ойча турдилар. Бу орада ул зотнинг туялари чўккан ерга масжид қуриб битказилди ва масжид атрофига Росууллоҳга ва аёлларига қатор хужралар курилди. Ана шунда ул зот Абу Айюб уйидан хужраларига кўчиб ўтдилар ва бу билан унинг қўшнисига айландилар, бу иккиси билан қолган қўшнилар ҳам мукаррам бўлишди. Абу Айюб Росууллоҳ ﷺни шу даражада яхши кўриб қолдики, қалбию ақлини ул зотга бахшида қилди. Росууллоҳ ﷺ ҳам Абу Айюбни шу даражада яхши кўриб қолдиларки, ўрталаридан расмиятчилик кўтарилиб кетди, Абу Айюб хонадони Росууллоҳ учун ўз уйларидек бўлиб қолди.

Ибн Аббос ривоят қиласи: Абу Бакр Сиддик ﷺ кундузи жазира маисиқ вақтда масжидга чиққанди, уни Умар ﷺ кўриб, «бу соатда нима учун чиқдингиз», деб сўради. «Корним очиб кетмаса, чиқмаган бўлардим», деди Абу Бакр. Умар ҳам, «Аллоҳ ҳаққи, мен ҳам фақат шунинг учун чиқдим», деди. Икковлон шундай деб туришганда, Росууллоҳ ﷺ чиқиб қолдилар ва «Бу соатда нима учун чиқдиларингиз», деб сўрадилар. Улар «Аллоҳ ҳаққи, корнимиздаги очлик ҳисси бизни чиқишига мажбур қилди», дейишли. Шунда Росууллоҳ «Мен ҳам, жоним қўлида бўлган Аллоҳ ҳаққи, бундан бошқа нарса сабаб чиқмадим, мен билан бирга юринглар», дедилар.

Улар Абу Айюб Ансорий ﷺнинг уйига боришли. Абу Айюб ҳар куни таом ҳозирлаб Росууллоҳ ﷺга аatab қўярди. Агар Росууллоҳ овқатга кеч қолсалар ёки келмасалар, олиб қўйган овқатни ўз ахлига едириб юборар эди. Хуллас, улар Абу Айюб эшиги олдига боргандарида, эшикдан Умму Айюб чиқди ва «Набийюллоҳ ва асҳоблари, марҳабо», деди. Набий ﷺ Абу Айюб қани?», дедилар. Яқиндаги ўз хурмо дарахтида ишлаётган Абу Айюб Росууллоҳнинг товушларини эшитиб, чопиб келди-да, «Росууллоҳ ва асҳоблари, марҳабо», деди. Сўнг «Ё Набийюллоҳ, бу вақтда ҳеч келмасдингиз», дея қўшимча қилди. Росууллоҳ «Тўғри айтингиз», деб қўйдилар. Кейин Абу Айюб хурмо дарахтига бориб, ундан янги пишган, пишиб қуриган ва ғўра хурмога лиқ тўла катта бир шохни кесиб келди. Набий ﷺ «Буни кесишингизни истамасдим, қуриган хурмодан узиб келсангиз бўлмасмиди», дедилар. Абу Айюб «Ё Росууллоҳ, унинг янгисидан ҳам, қуриганидан ҳам, ғўрасидан ҳам енглар дедим-да, мен ҳали ҳайвон ҳам сўяман сизларга», деди. Росууллоҳ «Аммо сўядиган нарсангиз сут берадигани бўлмасин», дедилар.

Абу Айюб эчки сўйди ва аёлига «хамир қилиб, бизга нон ёпиб беринг, сиз нонни устасисиз», деди ва эчкини teng ярмидан овқат тайёрлади, иккинчи ярмини кабоб қилди. Таомлар тайёрланиб, Набий ﷺ ва дўстлари олдига қўйилгач, Росууллоҳ бир бўлак гўшти олиб, нон орасига қўйдилар ва «Ё Абу Айюб, тезда буни Фотима қизимга элтинг, у бир қанча кундан бери бундайини емади», дедилар. Мехмонлар овқатланиб, қоринларини тўйғазишгач, Росууллоҳ «Мана, нон, гўшт, янги пишган хурмо, пишиб қуриган хурмо, гўра хурмо!», дедилар ва кўзларига ёш олдилар. Сўнг давом этдилар: «Жоним қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, қиёмат кунида сўраладиганимиз неъмат мана шу. Бас, қачон бу каби неъматларга етишсангиз ва емоқчи бўлсангиз, бисмиллаҳ, денг. Тўйганингизда алҳамду лиллаҳиллази хува ашбаана ва анъама алайна фа афзола» (бизни тўйдирган, бизга неъмат ато этиб, афзал қўрган Аллоҳга ҳамд бўлсин), денглар».

Сўнг Росууллоҳ ﷺ ўринларидан туриб, Абу Айубга «Эртага олдимиизга боринг», дедилар. Росууллоҳ ﷺ бирордан яхшилик кўрсалар, албатта унга ҳам яхшилигини қайтармай қўймасдилар. Аммо Абу Айюб буни эшитмади. Шунда Умар ﷺ «Набий ﷺ сизга эртага олдиларига боришингизни буюяптилар, Абу Айюб», деди. Абу Айюб «Бош устига, ё Росууллоҳ», деди. Эртасига Абу Айюб ул зотнинг олдиларига борди. Шунда Набий ﷺ ўзига хизмат қилиб юрган бир чўрини бериб, «Мен бу қиз билан яхши муносабатда бўлишингизни истардим, бу қиздан фақат яхши хизматларни кўрдик», дедилар.

Абу Айюб қизни уйига олиб борганда Умму Айюб «Бу кимнинг қизи?», деб сўради. «Бизники... Росууллоҳ уни бизга инъом этдилар. Умму Айюб «қандай ҳам буюк инъом этувчи-я, бизга қандай ҳам яхши нарса инъом этибдилар-а», деди. Абу Айюб «Бизга бу қиз билан яхши муносабатда бўлишимизни тавсия қилдилар», деди. Умму Айюб «Қандай қилиб Росууллоҳ ﷺ тавсияларини бажарамиз?», деб сўради. Абу Айюб деди: «Аллоҳга қасамки, Росууллоҳнинг тавсияларини бажариш учун энг яхши иш қизни озод этиш, деб биламан». Аёли «Жуда тўғри қиласиз, камлик кўрманг», деди. Шундай қилиб, қизни озод қилдилар.

Бу айтганларимиз Абу Айюб Ансорийинг тинчлик ҳаётидан бир кисми. Агар унинг урушдаги ҳаётидан баъзи кўринишларга тўхталадиган бўлсангиз, ажойиб ишларига гувоҳ бўласиз.

Дарҳақиқат, Абу Айюб Ансорий ﷺ бутун ҳаётини ғозий бўлиб ўтказди. Ҳатто айтиладики, Абу Айюб Росууллоҳ замоналаридан бошлаб, Муовия замонигача бўлган вақтда мусулмонлар олиб

борган ғазотларнинг ҳар бирида қатнашган, фақат бир вақтда иккита ғазот бўлган бўлса, бирида қатнашиб, иккинчисида қатнашолмаган.

Унинг сўнгги ғазоти Константинопол ғазоти бўлди. Муовия ўз ўғли Язид қўмондонлиги остида айни ғазотга қўшин тўплаётган пайтда, Абу Айюбнинг ёши ўтиб қолганди. Ўшанда у саксон ёшни қоралаб қолган эса-да, бу ёш уни Язид байроғи остига киришдан ва Аллоҳ йўлида ғазот қилиб, денгиз тўлқинларида жавлон урушдан тўсолганий йўқ. Лекин душман билан тўқнашув бошланганидан ҳеч қанча вақт ўтмай, Абу Айюбнинг мазаси қочиб, жангни давом эттиrolмай қолди. Язид унинг ҳолидан хабар олгани келди ва «нима эҳтиёжингиз бўлса айтинг, Абу Айюб?», деб сўради. У деди: «Мендан мусулмон лашкарларимизга салом айтинг. Уларга – Абу Айюб сизга салом йўллади ва душман тупроғининг энг сўнгги бурчагигача кириб боришингизни, Абу Айюбни ҳам ўзларингиз билан кўтариб бориб, уни Константинопол деворлари остига дафн қилишингизни васият қилди, деб айтинг». Абу Айюб шундай дея, сўнгги покиза нафасини олди.

Мусулмон лашкарлар Росууллоҳ ﷺнинг дўсти васиятини қабул қилдилар, душман аскарларига қарши қаттиқ ҳамла қилиб, Константинопол деворларигача етиб бордилар. Абу Айюбни ҳам кўлларида кўтариб бордилар ва ўша ерга қабр кавлаб, дафн қилдилар.

Аллоҳ Абу Айюб Ансорийни раҳмат қилсин. У салкам саксон ёшида фақат бир нарсани орзу қилди, у ҳам бўлса, туёқлари остидан чанг чиқувчи тулпорга миниб, Аллоҳ йўлида ғазот қилиш ва шу йўлда ҳалок бўлиш орзуси эди.

«СИЁСИЙ ИСЛОМДАН КЕЙИН»: АЛЛОҲНИНГ ИЗНИ ИЛА ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ РОШИД ХАЛИФАЛИК БЎЛАДИ

Мусулмонлар юртларидаги тадқиқот марказларида асосан охиратда насибаси бўлмаган илманий тадқиқотчилар йиғилиб колган. Уларнинг хатари ғарблик ҳамкорларининг хатаридан кам эмас. Ғарб улар ўтказаётган конференция, ёзаётган мақола ва тадқиқотларидан Исломга карши фикрий курашда фойдаланади. Улар мусулмон юртларда бошқа тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро конференциялар ўтказишига ҳам улгuriшди. Мана масалан Иордания стратегик тадқиқотлар институти ва Германиядаги Фридри Эберт ташкилоти ҳамкорлигига Иорданияда халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференция «Сиёсий Исломдан кейин» номи остида ўтказилиб, уни исломий ҳаракатлар соҳасидаги тадқиқотчи мутахассислар икки кун баҳс ва муносара килишди.

Бу заҳарли номдан шу нарса аниқ кўриниб турибдики, ушбу конференцияда тадқиқотчилар номидан сиёсий Исломнинг муваффакиятсизликка юз тутгани ва унинг устидан Ғарбнинг ғалаба қозонгани эълон килинди. Лекин бу нотўғри. Чунки Ғарб бу фикрий курашда ғалаба қиммади ва сиёсий Ислом мағлуб бўлмади. Балки иккиси ўртасида жанг қизимоқда. Бу жанг Аллоҳнинг ёрдами ила Ислом ғалабаси ва Росууллоҳ башорат қилган рошид Халифалик тикланиши билан ниҳоясига етади.

Конференцияда исломий ҳаракатлар иштирок этиб, бир қанча замонлардан бери амал килиб келинаётган тушунча ва мағкуралардан воз кечишганини эълон килишди. Шунингдек, бу тушунчалар ўrniga бошқарув низоми сифатида фуқаролик давлати, кўппартиявийлик ва демократик тушунчаларни ҳамда исломий даъватни сиёсатдан ажратиши эълон қилишди. Улар бунга Туркия ва Мароккашдаги Адолат ва Тараккиёт партияси ҳамда Тунисдаги Наҳза партиясини мисол қилишди...

Лекин улар бу ҳаракатларнинг ташкил топиши ва ташаббуслари шубҳали экани ҳамда мусулмонлар назарида олдиндан арзимас бўлиб қолганини билмасликка олдилар. Мусулмонлар уларни айнан мана шу ролни ўйнаб бериш учун пайдо бўлганини биладилар. Гарчи улар қўллаб-кувватловга эришган бўлсалар ҳам, бу арзимас қўллаб-кувватловдир. Чунки бу қўллаб-кувватловнинг кафолати ҳокимлардадир. Масалан Райсуний ва Фаннушийлар Уммат назаридан четдалар. Аммо уларнинг энг шубҳалиси Эрдоган бўлиб, очиқ жиноятларни кўп қилганидан энг арзимас бўлиб қолган. Чунки у Афғонистон, Ироқ ва Суря каби юртлардаги Исломга карши урушда Американинг иттифоқчиси ва яхудийларнинг шеригидир. Бизнинг бу кишига берган баҳойимиз бутун Уммат берган баҳодир. Чунки Умматнинг бир қисми берган баҳонинг эътибори йўқ. Эрдоганин қўллаб-кувватлаётгандарнинг позициясини кузатган киши улар Эрдоганин Ислом ғалаба қилишини айтиётгани учун унга ишонишаётганини кўради. Демак улар Эрдоганга эмас, Исломга эргашмоқдалар. Аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий Исломга эргашмоқдалар. Чунки Эрдоган сиёсий ҳокимдир. Бугун Ихвонул Муслиминга дўзахга етакловчи ушбу карвонга эргашиби учун босим ўтказилмоқда. Бу босим ҳақиқий ёки шаклан бўлишининг фарки йўқ. Ким мана шу ўйналиш бўйлаб юрса, ўзига кулаш борасида хукм ўқибди. Модомики, Умматнинг онг савиаси бундай ҳаракатлар савиасидан ўзиб кетган экан, у уларга эргашмайди. Маълумки, ортда қолган етакчи бўйлмайди.

Ал-Ваъй: Биз бугун Ислом ва Ғарб ўртасидаги фикрий кураш ҳолатидамиз. Ушбу фикрий кураш авжига чиқиб турган бир пайтда, ушбу тадқиқот марказлари капитализм мабдасини қайта кўриб чиқиб ундан воз кечиш ўrniga бунинг зиддини қилишмоқда. Тадқиқотчилар ҳақиқатга қаноат ҳосил килиш ўrniga Ғарб билан бирга сиёсий Исломни ман қилишга ҳаракат қилишмоқда. Бу тадқиқотчилар ўзимизнинг миллатимиздан бўла туриб, ўз дини ва Умматига хиёнат қилишмоқда. Ўзларини исломий ҳаракатларнинг масъуллари деб даъво қилаётган ва улар билан бирга исломий фаолиятни сиёсатдан ажратётгандар эса, яна ҳам қаттироқ хоинлардир. □

MIDDLE EAST EYE ЖУРНАЛИ: АРАБ БАҲОРИ САККИЗ ЙИЛДАН КЕЙИН ҲАМ ҲАМОН ТИРИКДИР

Лондонда чиқадиган Middle East Eye журнали академик Ален Габоннинг мақоласини чоп этди. Унда Габон айтадики, 2011 йилдаги қўзғолонлар сабабли минтақанинг сиёсий харитаси аянчли аҳволга тушиб қолди. Вазият Мұхаммад Буазизий 2010 йил 17 декабрда ўзини ёққанидан олдинги вазиятдан анча ёмондир. Ёзувчи яна айтдики, Миср бугун Ҳусни Муборакдан ҳам ёмонроқ диктатор зулмидан азоб чекмоқда... Саудия, Амирликлар ва Баҳрайн мутлақ қироллик бошқаруви остидадир... Яман халқи эса, фуқаролар уруши, очарчилик ва касалликлар остида парчаланди... Шунингдек, Ливия ва Сурғия парчаланиб вайрон бўлди.

Габон яна айтади: «Ироқ Америка босқинидан саккиз йил ўтиб ҳамда 2003 йил Америка уруши қўзғаган зўравонлик тўлқинларидан кейин тузалгани йўқ»... «Исроил Фаластин муаммоси Исроил ва унинг иттифоқчилари Фаластин давлатининг тикланишига қарши чиқиши ва яхудийлар олий ирқдир, деган фикрда қаттиқ туриб олиши ҳамда Трамп маъмурияти Исроилни қўллаб-қувватлаши туфайли боши берк кўчага кириб қолди». Габон «Афтидан барча томонлар фаластинликлардан бутунлай воз кечган қўринади», дея ўз сўзига изоҳ беради.

Габон яна давом этиб шундай дейди: «Ушбу қайгули тарихий натижанинг сабаби Суриядаги Асад каби ҳукумат етакчилари уюштирган шафқатсиз репрессия ёки Мисрдаги куролли кучлар олий кенгаши бошқараётган давлатнинг қўзғолончиларга қарши қилаётган репрессиясидир». Тадқиқотчи яна давом этади: «Улар бу абадий жанг эканини тушунишди», «Қўзғолончилар миллионлаган бўлса-да, имконият, куч, заковат ва ваҳшийликка эга фаол кучлар устидан ғалаба қилиши қийиндир. Қўзғолончиларнинг ўzlари, жонлари, ва шижаотидан бошқа имконияти йўқ. (Бу ажабланарли ҳолат, лекин қурол қаршисида кучсиздир). Габон яна айтади: «Араб баҳорининг муваффақиятсизликка юз тутишининг иккинчи сабаби мухолафатнинг ўзига, кучи ва имкониятига ортиқча даражада ишонганидир...».

Ёзувчи қўшимча қилиб айтадики, вазият ачинарли бўлса-да, лекин ҳозир санаб ўтган юртларнинг аксариятида умид бор. Шунинг учун кўпчилик таҳлилчилар, шу жумладан ташқи сиёsat билимдонлари айтганидек, араб баҳори ўзини оқламади ва тўла муваффақиятсизликка юз тутди, дейиш хатодир. Биринчидан: диктаторларнинг чоралари ва оддий ютуқларига эътибор бермаслик лозим. Иккинчи: миллионлаган кишилар эркинлик ва халқ хўжайинлиги таъмини тотишга сабаб бўлган араб баҳори тажрибаси халқни илҳомлантирувчи асос бўлиб қолаверади. Учинчидан: араб халқи бирор нарса қилишга қодир эмас, деган тушунча хато экани аён бўлди. Тўртинчи: ушбу репрессив режимлар қофоздаги йўлбарслар экани ҳамда уларга қарши чиқиб, устидан ғалаба қилиш мумкинлиги кўринди.

Ал-Ваъй: Farb, ундаги масъуллар ва тадқиқотчилар исломий Халифалик қайсиdir бир жойда тикланишидан ташвиш қилиб яшашмоқда. Ҳа, бу хаёл эмас... Мусулмонларнинг рошид Халифалиги Аллоҳнинг изни илиа тикланади ва олам етакчилигини қайта қўлга олади. Бу ёлғон бўлмаган ваъдадир. □